



Hurriyat

Mustaqil gazeta


2021-yil
3-fevral
chorshanba
№ 5 (1221)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ gazhurriyat@mail.ru * t.me/hurriyatuz * Hurriyat gazetasi

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИ

МАЪРИФИЙ УЙҒОНИШ ТИМСОЛИ

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири, атоқли давлат ва жамоат арбоби, таълим-тарбия ва илм-фан, маънавият ва маданият, она тилимиз ва адабиётимиз ҳомийси бўлган Алишер Навоий ҳазратлари — халқимиз маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улғу аждодларимиздан ҳисобланади. Ул зотнинг бебаҳо ижодий-илмий ва маърифий-ҳуқуқий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 19 октябрда қабул қилingan "Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудини 580 йиллигини кенга нишонлаш тўғрисида"ги қароридан таъкидланганидек: "Улғу шоир ўзининг шеърӣ ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустақкам ўрин эгаллади".

Давлатимиз раҳбари қоридан номи тилга олинган тарихий қарорни айнан **Ўзбек тили байрами** куні арафасида имзолагани бежиз эмас. Янада муҳими, Алишер Навоий ҳазратларининг қутлуғ тўйи **Ўзбекистон Мустақиллигининг 30 йиллиги** нишонладиган жорий йилга тўғри келмоқда.

Бу улғувор воқеаларнинг замирида илоҳий қонуниятлар ўз мужассамини топаддек, назаримизда. Бинобарин, ушбу муборақ байрамлар билан боғлиқ узвий жараёнларнинг барчаси мантиқан бир-бирини тўлдириб, эл-юртимиш маърифати ва маънавиятини юксалтиришда ҳамда янги **Ўзбекистоннинг маънавий Уйғонишида** улкан аҳамият касб этиши тайин.

6-6

ҒУРУР

НАВОИЙНИНГ НАБИРАЛАРИ

Тирикликнинг бол, ширалари,
Бири улғу, кичик бирлари,
Фахр этиб юргайдир бари,
Навоийнинг набиралари.

Ярқирайди тилло узукдек,
Шу узукка қўйилган кўздек.
Бири Бобур, бири Улғубек –
Навоийнинг набиралари.

Кўркам бўю қадду қоматлар,
Қўса шундай кулар омадлар.
Чўқмасин ҳеч сиздан номардлар,
Навоийнинг набиралари.

Ўз кўнглида кўзлар Марсларни,
Гўжинглаштиб юрар "Мерс"ларни.
Қолдирмасин экан дарсларни,
Навоийнинг набиралари.

Чинидай оқ дорилфунунлар,
Сизга – йиллар, сизга бу кунлар.
Илм ишқида бўлинг Мажнунлар,
Навоийнинг набиралари.

Қадим замон, Ҳақ замонидан,
Олтин чиққан олтин ёнидан,
Сиз ҳам ўшал олтин конида,
Навоийнинг набиралари.

Интилангангиз – бир кун етгайсиз,
Манзилларга зиё элтгайсиз.
Фарҳод-Ширин бўлиб кетгайсиз,
Навоийнинг набиралари.

Қуртак ёзар найвандларингиз,
Унутманг ҳеч: дилбандларингиз,
Туғилажак фарзандларингиз –
Навоийнинг набиралари.

Ҳазрат бобо Сўзни ўйлаган,
Қанча қошу кўзни ўйлаган.
Асли ул зот Сизни ўйлаган,
Навоийнинг набиралари.

Эл-юрт омон, даврон саломат,
Яратгандан Сизга қаромат.
Ҳайт ўзи айлар хушомад,
Навоийнинг набиралари.

Уяр асли – насиб ё насиб,
Ҳар дилга бир гул мутаносиб.
Навоийга бўлсин муносиб,
Навоийнинг набиралари.

Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

МУНОСАБАТ

Дарҳақиқат, бу хусусда Президентимиз шу йилнинг 19 январь куні маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказган видеоселектор йиғилишида аниқ вазифаларни белгилаб берган ҳолда, жамиятда, бу ҳаётда маънавият масаласи энг устувор, энг биринчи вазифа эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

"Агар кимдир, маънавият масаласи — бу фақат маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади", деди Президентимиз.

Маънавият масаласига барча масъул

Чиндан ҳам нафақат ҳар бир оила, ҳар бир жамоада, балки ҳар битта инсон учун қайсидир ташкилотни маънавият иши бўйича жавабгар ёки масъул деб билишимиз тўғрими? Умуман, маънавият деганда биз нимани тушунамиз, нимани англаймиз? Давлатимиз раҳбари ушбу йиғилишда шу хусусда куюнчақлик ила атрофлича сўз юритар экан, аввало жамиятда таълим-тарбияга, фарзандларимиз эртасига эътиборини қаратди.

Маънавият, биринчи навбатда, яхши тарбия, яхши хулқ, билим демакдир. Ҳалоллик ва поклик, инсоний фазилатлар ҳосиласи демакдир. Ҳа, ҳаётда шундай инсонлар ҳам учрайди, яъни болаларининг таълим-тарбияси, яхши билими ва хулқи бўлмаслигига фақатгина мактабни айбдор деб билдилар.

2-6

МУЛОҲАЗА

ЭРКИНЛИК ка ким ЛОЙИҚ?

Хитой давлати Канададан ҳаво сотиб олаётган экан. Эшитдингизми? Бу хабарни ўқидиму, юртимиздаги айрим давлат идораларига Финляндия, Швейцария ва Норвегия "об-ҳаво"сидан олиб келишнинг имкони бормикан, деб ўйлаб қолдим. Тўғри-да, инсон зоти ҳамisha эркин, ўзи севган машғулотига ҳеч ким ҳалал бермайдиган жойни қўмсаб, орзу қилиб яшайди. Худди хитойликлар каби бизнинг руҳимиз ҳам "тоза ҳаво"га доимо муҳтожлик сезади...

Маълумотларга кўра, Буюк Британияда давлат ишида ишловчи инсонлар ҳафтасига 48 соатдан кўп ишлаши тақиқланган. Албатта, шифокор, нефть-газ каби айрим соҳалар бундан мустасно. Бу касб эгаларининг иш тартиби қоғозда эмас, амалда навбатчилик асосида ташкил этилади. Ваҳоланки, куч-қувват ва шижоатингиз "қўпириб" турган бўлса-да, ҳафтасига белгиланган миқдордан кўп ишлаш ол-

майсиз. Йўқса, бу "қилмиш"ингиз учун жарима тўлашингиз мумкин. Ходимларнинг иш вақтига махсус ташкилотлар, айниқса, соғлиқни сақлаш вазирлиги ниҳоятда жиддий қарайди.

Савол туғилади, хўш, бизда-чи? Ҳаммани қўя туриб, давлат хизматчилари, расмий идоралар вакиллари ҳафтасига неча соат ишлайди?

6-6

АКС-САДО

ТАҲРИРИЯТДАН: Хабарингиз бор, газетамизнинг 2021 йил 13 январь (№2(1218)) сонидан "Матбуотдан безор миллат эмасмиз" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда бугунги матбуотимизнинг аҳоли, унинг жойларга етиб бориш масалалари ва аҳолининг матбуотга муносабати доирасида фикр-мулоҳазалар билдирилган эди. Ёш журналист Отабек Исроилов ҳам куйида бугунги матбуотимизга дахлдор муаммолар илдизига эътибор қаратади.

МУАЛЛИМ ВА МУҲАРРИР МИЛЛАТНИНГ ИККИ КЎЗИДИР

ёхуд эски мавзуда янги гап

Беҳбудий ҳазратлари "Муаллим ва муҳаррир – миллатнинг икки кўзидир", дея нақл қилган эди. Насоматки, бу кун миллат бир кўздан ажраш арафасида турибди. Кўриш – ҳақиқатни, истиқболни, адолатни кўриш қобилиятини йўқотаёзган қайси "кўз" эканлиги ҳаммага ҳам баробар маълумдир.

Бундан, чамаси, икки-уч йиллар аввал луғатимизга "мажбурий обуна" деган сўз бирикмаси кириб кел(тирил)ди. Бегона уйларни мажбуран тозалаш, кўчаларни мажбуран супуриш, моянасидан мажбуран йиғиш ва мажбуран бажарилган бошқа ишлар сирасига обуна ҳам қўшилди-қолди. Шу пайтлари мажбурийликдан безиган муаллимлар ва уларнинг пешволари матбуотга очиқчасига жанг эълон қилди – миллатга тўғри йўлни кўрсатиб турувчи икки кўзнинг бири бошқасини ўя бошлади. Хўп, майли, ўқишга аризулик газета ё журнал



кам экан. Унда ўқишга аризулик, ўзингиз маънавий озуқа олиб, ўқувчиларингиз хат-саводини, дунёқарашини ўстирадиган, янгилик ва ахборотларнинг сифатлисини холис етказадиган газета ё журналларга нима учун обуна бўлмайсиз, дейдиган мард қани? Демакки, сиз ва сиз қаби-ларга "мажбурий обуна" бир баҳона бўлди, холос. Ўйламайсизки, бугун бирини тежаб, эртага туртига қуйиб қолишингизни.

4-6

Маънавият масаласига барча масъул



зилишининг олдини олиш, сўз ва матбуот эркинлигидан тўри фойдаланишга қаратилган фаолиятимизни жонлантириш бўйича режа тайёрланапти.

Айни пайтда маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар жараёнини кенг ёритишга кўмаклашиш, ушбу йўналиш бўйича самарали ижод қилаётган журналист ва блогерларни рағбатлантириш, уларга тақдир ва тавсиялар бериш, фаолиятини таҳлил қилиш, ўзаро ҳамкорликда медиа-турлар ташкил этиш бўйича келишувга эришиш мақсадида Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Маданият вазирилик масъуллари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Шубҳасиз, маънавият масаласига барчамиз бирдек масъулмиз. Бу масала ҳалқ ва миллатнинг жонқуярлари бўлиши шояр ва ёзувчилар, журналистлар учун янада муҳим. Шундай экан, билдирилаётган ишончини оқлаш ҳар бир ижодкор, жумладан, ҳар бир журналист, қолаверса, уюшмаимиз зиммасига катта масъулият юклайди.

Холмурод САЛЛИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари.

1-6

Тўғри, фарзандларимиз таълим-тарбияси йўлида мактаблар йўлчи юлдуз вазифасини ўташи керак. Лекин уйда-чи, ота-она бурчи, вазифаси нимадан иборат унда?

Ахир, халқимиз бежиз: “Кўш уясиди кўрганини қилади”, деб айтмайди-ку.

Шундай экан, маънавият масаласига барча масъул бўлмоғи табиий. Ҳеч қачон ва ҳеч қайси замонда комил инсон тарбияси масаласини қайсидир бир ташкилот ёки муассасанинг иши деб қаралмаган.

Яхши биламиз, азал-азалдан “бир болага етти маҳалла ота-она” деган нақлга амал қилган халқимиз. Бугун эса кўпчилик нимадир норасо ишни кўрса-да, ҳатто кўшнисининг боласининг бирор ноҳужа ишини кўрса-да, “Менга нима, нима қиламан ёмон кўришиб”, дейишгача бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳаммага — каттаю кичикка, бутун халқимизга бир оғоҳлик кўнғирогини чалди. “Маънавият биринчи ўринда туриши керак”, деди. Маънавият соҳасида умрини бахшида этган инсонлар ҳақида сўз юритар экан, “Маънавиятчи бўлиш осон эмас”, дедилар.

... Кечагидек эсимда, болалигим ўтган Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги 27-мактабда “Учқун” номида деворий газета чиқариладди. Ҳар ҳафта газетанинг янги сони тайёрланарди. Унинг ўз ичиди гуруҳи бўлиб, ушбу гуруҳга ҳамма синфдан бир нафардан фаол ўқувчи жалб этиларди. Бешинчи синфга ўтишим билан улар сафига мен ҳам қўшилдим.

Гуруҳнинг навбатдаги йиғилишида ижодий жамоа раҳбари, она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Озода Камолова менга ҳам топшириқ берди. Ушанда зиммамга юкланган вазифа катта масъулият эканлигини англадим. Шунда миямда синфимизнинг энг аълочи қизи — Гулчехра Рустомова ҳақида ёзиш фикри келди. Ўзим ва устозга кўрсатдим. Камчиликларини

айтиб, биргаллашиб қайта-қайта ишладик. Ва ниҳоят “Учқун”нинг янги сониди “Аълочилик сирини” сарлавҳаси остида эълон қилинди. Энди Гулчехранинг шодлигини кўринг, ўзимни хурсанд бўлганимни айтмайсизми. Материалнинг пастки қисмига “5-синф ўқувчиси Х.Салимов тайёрлади”, деб ёзилганидан ўзимни кўрага жой топа олмадим. Тўғриси, ҳар танаффусда шу ёзувга бир қараб ўтиб кетардим. Бу менга ўзгача кўтаринки руҳ, кучли ҳис-ҳаяжон бахш этгани рост.

Энди ўйлаб қарасам, ўша пайтлари журналистикага илк қадамни қўйган эканман, менда соҳага қизиқиш ўша даврдан бошланган экан. Шу-шу “Учқун”нинг ҳар бир сонини тайёрлаш жараёнида фаол қатнашадиган бўлдим. Газетамизда энг муҳим ва қизиқ мактаб ва ўқувчилар ҳаётига оид эълонлар, янгиликлар, шунингдек, ўқувчиларнинг ижод намуналари — қисқа халф ва ҳикоялар, шеърлар чиқариладди. Уларни тик турган ҳолда ўқиб чиқардик. Бу бизни китоб ўқишга қизиқишимизни оширгани, туртки бергани рост.

Шу ўринда 1980-90 йиллари юртимизда мобил телефон ҳали оммалашмагани, интернет ривожланмагани, ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли мавжуд бу каби кўп восита ва оммилар бўлмаганини ҳам айтиб ўтиш керак. Барчага маълум, бугун бу борада вазият тамомилла бошқача. Техника ривожланишининг энг чўққисига чиққан замонда яшаймиз. Бунинг ўзига яраша ижобий ва салбий томонлари бор.

Кунни кеча ўзим ўқиган мактабда узоқ йиллардан бери ўқитувчилик қилиб келаётган тендошин Фарҳод Уралов билан телефон орқали суҳбатлашиб қолдим. У ҳам бугунги кун ахборот технологияларининг ривожланиш жараёнида, мактаб ҳудудида интернет тезлиги, юқори синф ўғил-қизлари орасида кўп телефони йўғини топиш қийинлиги хусусида сўз юритди. Шунингдек, ҳозирги ўқувчиларни маънавиятчи қилиб тарбиялаш осон эмаслиги, мактабда деворий газета

чиқмай кетганига жуда кўп йил бўлгани, ижодкор ёшлар сафи камайиб бораётганини ташвишланиб гапирди.

Президентимиз ҳам “Бугун болаларимизни мактаб, ота-она ёки институт эмас, аксарият ҳолда қўлидаги телефон тарбияламоқда. Мобил телефон энди оддий алоқа воситаси эмас, кўпинча ёт мафқурани тарқатадиган куролга айланмоқда”, дея таъкидлади.

Таълим масканларида ўғил-қизларимиз маънавиятини юксалтиришга қаратилган бу каби ишларнинг сифатли ва самарали ташкил этилишига нафақат шоир ўзувчилар, журналистлар, балки ҳар биримиз, ҳар бир ташкилот ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши лозим ва шарт, бунга масъул.

Шу ўринда айтиш жоиз, кўпчилигимиз ёшларнинг замонавий технологиялардан, хусусан, телефон ва интернетдан ҳаддан ошиқ кўп фойдаланиши, турли сайтларга кириши натижасида уларнинг тарбияси бузилаётгани, турли ёт гоялар таъсирига тушиб қолиши мумкинлиги ҳақида кўп гапирамиз. Аммо бунга қарши самарали иш олиб бормаётганимизни тан олгимиз келмайди. Аксариятимиз: “Мен боламини тўғри тарбиялаётман, доимий назорат қилаётман”, деб нотўғри ўйлаймиз. Аммо ҳаммаша ҳам, ҳаммада ҳам ундай эмаслигини кўнгимиз сезгандек бўлса-да, ҳар доим ҳам фарзандимиз учун вақт ажратмаймиз, етарлича меҳр бермаймиз, тўғриси айтганда, уни узлуксиз назорат қилишга эринамиз.

Ҳозир ота-она ўзи телефони орқали фарзанднинг қайси сайтларга кираётгани, қаерда юрганини билса бўладиган, унинг ёшига тўғри келмайдиган ижтимоий тармоқларга таъкидланган махсус дастурлар чиққан. Буни кўпчилик билади, фойдаланмоқда ҳам. Қисқаси, излаган имкон топади. Фақат ҳақсала бўлиши керак. Бе-парволлик ва лоқайдлик энг катта хавфдир.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оши-

ришда оммавий ахборот воситалари катта куч эканига ҳам алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас. Ҳозирги кунда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида опти минг нафарга яқин ижодий ходим фаолият олиб бормоқда. Улар, шубҳасиз, катта куч. Ҳар бир журналист, ўз навбатида, маънавият тарғиботчиси ҳамдир. Маънавият тарғиботчисининг, энг аввало, маънавиятчи юксак бўлиши керак. Шу сабаб мазкур йўналишдаги дастлабки ишларни соҳа ходимларининг маданияти ва маънавиятини юксалтиришга қаратиш зарур.

Ушбу йўналишдаги ишлар доирасида яқинда уюшма қошида кутубхона ва ўқув бурчагини ўз ичига олган маънавият хонаси ташкил этдик. Бунага энг масканимизда соҳага, шунингдек, бандий ва илмий адабиётлар, миллий журналистикада ўзига хос мактаб яратган устоз журналистлар ҳаёти ва фаолияти, қолаверса, ҳамкорларимиз — халқаро медиа ташкилотлар иш услубларига оид қўлланмалар ўрин олган. Бундан ташқари, тўрт тилда нашр этиладиган ўттиздан зиёда марказий газета ва журналларнинг ҳар бир сони тахтамлари ҳамда уларнинг электрон вариантлари билан танишиш мумкин.

Кези келганда таъкидлаш лозим, айни кунда Журналистлар ижодий уюшмаси қошида маънавий-маърифий кенгаш ташкил этишни, ҳар бир устозга беш нафардан ёш журналистни бириктиришни режалаштираялмиз. Уюшма бошқаруви аъзолари, кўлаб журналистлар бундай кенгаш ва маънавият хоналарини вилоят бўлиmlаримизда ҳам йўлга қўйиш тақлифини билдирмоқда.

Битта ноҳилис ахборот бугунги кунда жамиятга қанчалик маънавий зарар етказиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Ана шундай ҳолатларни назарда тутган ҳолда, ноҳилис хабар тарқатиш, соҳамизга доир қонун, фармон ва қарорлар, шунингдек, Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодекси қонунлари бу-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ЭРТИБОРИГА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул КУШЕРБАЕВИН “Hurriyat” газетасининг шу йил 20 январь 3-сониди эълон қилган “Олий суд нега фуқароларни қабул қилмайпти?” сарлавҳали мақоласини ўқиб ўзим дуч келган судловга оид воқеалар кўз олдимдан ўтди.

Айтишим керакки, узоқ йиллардан бундан фуқароларнинг шикоятлари асосида турли марказий шаҳарларда “Сапқончи судьялар”, “Мундирдаги юлғичлар”, “Уй олиб, уйсиз қолдим” ҳамда “Фирибгарни “диллер” деди, катта идоранинг кичик раҳбари”, “Улуғбек камолни “ни ким заволга учратди?” сарлавҳали ҳамда газеталарда чоп этишга улгурмай, менинг 14 йилга озодликдан маҳрум қилинишимга сабабчи бўлган “Зўравоннинг танқиси “коррупция”да ишларму?” сарлавҳали мақолаларим учун ҳозирга қадар гўё “айбсиз” — “айбдор”ман.

Яхши эсламан, 2001 йил 27 июнда “Hurriyat” газетасида “Мухбир мансабдор эмас!” сарлавҳали мақола босилди. Кўп ўтмай Жазони ижро этиш муассасасига Олий суддан “менинг ишим бўйича протест келтирилгани” тўғрисида хат келди ва орадан икки ой ўтиб, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судидан ажрим олдим. Унда: “Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми шу кодекснинг 165-моддаси 3-қисмига алмаштирилиб, жазо муддати 14 йилдан 10 йилга келтирилиб, Амнистия актига асосан белги-ланган 10 йиллик жазонинг тенанг яригига қисқартирилгани ва қолган 5 йиллик жазонинг яри ижро этилганлиги сабабли, қолган яри ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилиб, жазони ўташ муассасасидан озод этилган”лигим баён этилган эди.

Савол туғилади. Нега менинг ёзган 17 та шикоят хатимга “асос топилмади”, нега айнан шу шикоятларим асосида ёзилган мақолалар сўнг “Протест келтирилган ва жазони ўзгартиришга асос” топилди. Бу, аввало, матбуотнинг, газета сўзининг кучи, жамоатчилигининг ошқора назорати, Олий судга ҳалопу пок ишлаётган савияли судьялар меҳнатининг меваси бўлса, иккинчи тарафдан судланганим ўша йиллардаги Адлия ва Ички ишлар вазирликларидега ўрнашиб олган бугунги кунда собиқ айрим мансабдорларнинг жиноятчи “диллер”, “фирибгар” ва “босқинчи”лар билан “ҳамтовок”лигининг, терговчи ва “Айбловни” кўр-кўрона тасдиқлайдиган прокуратура ва суд идораларида ўрнашиб олган лоқайд, инсон тақдирига бефарқ, одамлар дардини тинглашдан, ёзган шикоятларини ўқиб чиқишдан бирок, баъзи бюрократ, савдо ҳаммақадар кимсалар, яъни бир-бирини қўллаб-қувватлаётган коррупцион гуруҳ қасофатининг меваси эди.

Яхшиямки, бу ҳар уччала идорада адолатли, ҳолис инсонлар прокуратура идораларида ишлаган генерал Вали Кабирович Қосимов, марҳум, охиратлари обод бўлсин Бўритош Мустафоев, Абдурашид Муталович Маннанов, узоқ йиллар суд тизимида ва умрининг охиригиди йиллари Олий судда ишлаган ҳозирда марҳум, охиратлари обод бўлсин Қаримхон Носиров, Мухторжон Мирзолимов, ҳозир юзлаб судьяларга отадек меҳрибон, кези келса қаттиққўл устоз Убайдулла Қўбонирович Мингоев ва Учқун Рустомович Қўбониров, ҳозирги ёш судьялардан Олий суд судьялари У.Рузиев, Ш.Аббосов каби “вергүл”ни

ШИКОЯТЛАР НЕГА ЎҚИЛМАЯПТИ? ЁКИ ОЛИЙ СУДДАН “ҒАЛАТИ ЖАВОБЛАР”



тўғри кўя оладиган ҳалол, қўли ҳам, виждони ҳам пок инсонлар бор.

Ушанда муассасадан қайтиб, Олий суд раиси Бўритош Мустафоев қабулига кирдим, айбсизлигимни исботлайдиган 19 та далил келтириб ёзган шикоятимни кўнт билан ўқиб чиқиб, “бировнинг қарз пули бора ёки товламачилик предмети бўлмайдими, лекин ҳозир вақтимас, оқлайди қўнлар ҳам келади, ҳозирча бу ишни орқага ташлаб, туман судига судланганликни олиб ташлаш учун ариза топшириб қўйинг”, дедилар. Афсуски, бу инсоннинг ўзи бугунги “оқланадиган қўнлар” келганини кўрмадилар...

2018 йил 20 март тунги соат 20.00 ларда, минг таассуфлар бўлсинки, йўл транспорт ҳодисасига учрадим. Қарама-қарши йўналишни ажратиб турувчи ўқ чиқиқ устида бир пиеда тўхтаб турган эди, қарама-қарши томондан келаётган бир-гала автомобиллардан бири узоқни кучли ёритувчи чирогини ёқиб-ўчирганда (экспертиза хулосасига кўра “енгил даражали мастлик ҳолати”да бўлган) пиеда тўсатдан ундан қочиб, бирдан менинг йўналишимга ортилиб чиқди ва мен кескин тор-моз босганимга қарамай, ҳаракатдаги пиедани уриб юбордим, пиеда автомашинам капоти устига чиқиб кетиб, тормозланиб ҳаракатланаётган машина таққа тўхтагач, пиеда машина капоти устидан йўлнинг қарама-қарши томонига юмалаб тушди. Мен машинадан тушиб, пиедага ёрдам бериш учун югуриб бордим, дарҳол машиналар галаси ерда ётган пиедани босиб кетмасин деб кўп телефоним чирогини ёқиб, ишора қилиб, ёрдамга чақирдим...

Аммо, у вафот этди, ортида болалари бўзлаб қолди-да. Мусулмончилик юзасидан имконим борича таъзия маросимларига ёрдам бердим. Тўй маслаҳат билан, аза бемаслаҳат келади, деган гап рост экан. Аввалига марҳумнинг онаси ҳам, турмуш ўртоғи ҳам мендан ҳеч нарса сўрамади. 16 ёшли катта фарзанди 18 ёшга тўлгунча ёрдам бериб туришимни сўради, ҳолис. Рози бўлдим...

Дастлабки тергов-суриштирув ишларини олиб бораётган Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани ИИБ терговчиси, мени чақириб, “марҳумнинг оиласи нима сўрашяпти”, деди. Мен “ҳеч нарса” дедим. У “50 миллион сўраса, 50 миллион, 100 миллион сўраса 100 миллион беришим”ни, акс ҳолда “келиша олмас”лигини айтди. Шошиб қолдим, “марҳумнинг оиласи мендан ҳеч нарса сўрамаётган бўлса, мени айбсизлигим шундоқ кўри-ниб турган бўлса, сиз билан “келишиш” ҳақида оғиз очмаган бўлсам, сиз мен билан нимани “келиша олмайсиз” дедим. У

“ёрипти”, “дардини” айтди. Мен: “менда бундай имконият бўлса, сизга эмас, ўша бўзлаб қолган оилага берган бўлардим. Сиз дардақашликда адашдингиз”, дедим. Ва орадан кўп ўтмай, марҳумнинг турмуш ўртоғининг “ёзув-чизуви” бошланди.

2018 йил 20 мартдан роппа-роса 4 ой-ю 11 кун ўтиб, 2018 йил 1 августда қабрини очиб ва энг ёмони “мурда танасидан олинган сон суягининг айрим бўлаклари етиш-маслиғига” қарамай, “Сон суягининг бўлаклари бўлиб “бурчаксимон” парчаланиб синишидан” келиб чиқиб “Зарба тананинг “чап томони”дан етказилган”, деган мутлақо ҳақиқатга зид янги Экспертиза хулосаси ва 2018 йил 1 августда иккинчи автотех экспертиза хулосаси пайдо бўлди ва 2018 йил 28 августда “айбланувчи” сифатида қайта сўроқ қилинган ва шу кунги иш тугатилиб, судга чиқди. Иш вилоят ва Олий судгача кўтарилди.

Олий суд раиси ўринбосарининг 2019 йил 4 ноябрдаги ажримига асосан 2019 йил 27 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида (Олий суд судьяси У.Рузиев раислигида) кўриб чиқилиб, мазкур ҳайъатнинг 2019 йил 27 ноябрдаги ажрими билан ЖИБ Тошкент вилоят суди кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2019 йил 29 январдаги ажрими бекор қилинди ва жиноят иши ЖИБ Тошкент вилоят суди кассация инстанцияси судлов ҳайъатида янгидан кўриб чиқиш учун юбюрди. Бироқ, кассация инстанциясининг 2020 йил 6 февралдаги ажрими билан ЖИБ Юқори Чирчиқ тумани судининг 2018 йил 12 октябрдаги ҳукми яна ўзгартирилди.

ЖИБ Тошкент вилоят суди кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2020 йил 6 февралдаги мазкур ажримига ва ЖИБ Юқори Чирчиқ тумани судининг 2018 йил 12 октябрдаги ҳукмига нисбатан, айбсизлигимни исботлаб, яъни мен 2018 йил 1 августдаги ва 2018 йил 20 августдаги 2 та экспертиза хулосалари билан айблансам, ишдаги 6 та ҳужжат билан эса — 2018 йил 20 мартдаги воқеа жойи чизмаси, воқеа жойида олинган суратлар, 21 мартдаги СТЭ хулосаси ва асосий икки гувоҳнинг кўрсатувлари, 2018 йил 5 майдаги трасология (кийимлар) экспертизаси хулосаларидаги 20 дан ортиқ далиллар билан айбсиз эканлигимни тўлиқ исботлаб, яна Олий судга шикоят ёздим. Бироқ, Олий суд судьяси Ш.Тожиевдан 2020 йил 15 декабрда №13-628-19-сонли жавоб хати ва унга илова қилинган галати Ажрим олдим. Ажримда:

“Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди кассация инстанциясининг 2020

йил 6 февралдаги ажрими билан ўзгартирилган судлов ҳайъати бўйича Юқори Чирчиқ тумани судининг 2018 йил 12 октябрдаги ажримига кўра, (эътибор берин, наҳотки, Олий суд судьяси “Хукми” билан “Ажрим”нинг фарқига бормаса...) С.Сирожиiddинов ўзРЖК 266-моддасининг 2-қисми билан айбни деб топилди, ЖКнинг 45-, 57-моддалари қўлланиб, ... 17.224.000 сўм микдорда жарима жазоси тайинланган”, дейилса, ажримнинг яқунловчи қисмида “...жазо тайинлашда... қонун санцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, асосли хулосага келган”, дейилди.

Эътибор беринг, наҳотки Олий суд судьяси Ш.Тожиев тумани судининг “Хукми” билан “Ажрим”нинг ҳамда “Жарима” жазоси билан “Озодликдан маҳрум қилиш” жазосининг фарқига бормайди? Ахир менга тумани судининг “Ажрим” билан эмас, “Хукми” билан “Озодликдан маҳрум қилиш” жазоси эмас, “Жарима” жазоси тайинланган эди-ку!..

Олий судда мунозабатларни тўлиқ ўқиб чиқмасдан бундай галати “Ажрим” чиқариш ва “Жавоб” ёзиш биринчи ҳолат эмас. Шу ўринда яна бир мисол:

“Арбитраж ва ҳуқуқ” газетаси тахририяга мунозабат қилган фуқаро Шохиста Юсупованинг шикоят хати атрофида ўрнатилиб, шикоят хати юзасидан ўтказилган “Журналист текшируви ақунлари”га таянган ҳолда, шикоят хат қисман қисқартирилган газетанинг 2016 йил 8 апрель сониди “Тан олинмаган 60 минг доллар қарз” ёхуд терговчининг очикдан-очик жиноий сарлаҳ-ҳаракатлари хусусида мунозабат қилган фуқаро мақола чоп этилган эди.

Бироқ, мақолага жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди ва вилоят прокуратурасидан “протест келтирилган асослар мавжуд эмас”, деган мазмунда жавоб олинганди.

Шундан сўнг, тахририя томонидан ўтказилган “Журналист текшируви” жараёнида аниқланган ва газеталарда чоп этилган мақолага баён этилган қонунбузилиш ҳолатларига ҳар иккала идора томонидан ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги ва бу қонунбузилиш ҳолатларини ҳар томонлама чуқур ўрганилмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонасига мурожаат қилдик.

Мазкур мунозабат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бўлим бошлиғи М.Э.дан 2016 йил 26 ноябрда Ж-4284-1/16-сонли галати жавоб хати олгандик. Унда шундай дейилди: “Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси 3-а-уйда яшовчи С.Сирожиiddиновга (во ажаб, “Навоий кўчаси 30-уй”, “Ади-

траж ва ҳуқуқ” газетаси Бош муҳаррири С.Сирожиiddиновга” эмас), Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонасига 2016 йил 8 ноябрда йўлланган (эътибор берин, тузатиш бизники, “тахририяга мунозабат қилган фуқаро Ш.Юсуповага” эмас) турмуш ўртоғини Ш.Юсуповага оид жиноят иши юзасидан чиқарилган суд қарорини норози бўлиб ёзган 4284-1/16-сонли мунозабатининг Олий судга кўриб чиқилди (мунозабат “Кўриб” чиқилди)ми ёки “Урағиб” чиқилди?!! Тузатиш бизники).

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 510-моддасига мувофиқ, маҳрум, унинг жимоячиси ва қонуний вакили апелляция ёки кассация тартибидега кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан назорат тартибидега шикоят беришлари мумкин.

Шу сабабли (тузатиш бизники: “тахририяга мунозабат қилган фуқаро Ш.Юсуповага” эмас) турмуш ўртоғининг ёки унинг жимоячиси иш бўйича чиқарилган суд қарорлари устидан Олий судга назорат тартибидега шикоят қилиши мумкинлиги тушунтирилади. Бўлим бошлиғи имзо М.Э.”.

Ажабо, Ўзбекистон Республикаси Гербни туширилган ва “Ўзбекистон Республикаси Олий суди” деб ёзилган табарруқ “Блан-

ТАХРИРИЯТДАН:

Сўнги йилларда Президентимизнинг доимий эътибори билан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, судлар мустақиллигини ва одил судловни ҳамда судлар фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлаш борасида катта ўзгаришлар, ижобий ишлар амалга оширилди ва бир қатор соҳага тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Бироқ маълумотларга қараганда, фуқароларнинг турли идораларга, жумладан, тахририятларга суд қарорларидан норози кайфиятда ёзилган шикоят хатларининг оқими камаймаяпти.

Хусусан, бизнинг тахририятимизга келаётган шикоятлар ва унга илова қилинган юқори идораларнинг жавоб хатларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, одамларнинг норозилигига сабаб бўлаётган омиллардан бири қўрилган ишларнинг натижасидан кўра, уларнинг шикоятларига қайтарилаётган жавобларнинг “штампной”, “шаблон”лиги, яъни “бир хил”лиги, юзалиги ва энг ёмони, “пала-партиш” ёзилаётганлигидир. Демак, айтиш мумкинки, инсон ҳақ-ҳуқуқига юксак ҳурмат ва қонуний муносабатнинг маълум даражада ноҳилисликдадир. Бунга юқоридеги мақола ҳам яққол далил бўла олади.

Оддий мисол, ушбу мақолада келтирилган икки далил: Олий суд судьясининг тумани судининг “хукми” билан “ажрим”нинг, “жарима жазоси” билан “озодликдан маҳрум қилиш” жазосининг фарқига бормаслиги ёки “тахририяга мунозабат қилган бир аёлни” бош муҳаррирининг “турмуш ўртоғига” айлантириб қўйиши шунчаки ҳаттоликми ёки лоқайдлик? Назаримизда, нима бўлганда ҳам бу жуда уятли ҳолат.

Ахир, ҳар бир шикоятда инсон тақдирини, қисмати мужассам. Шундай экан, суд идораларининг ва судьяларнинг онгида — адолат, тилида — ҳақиқат, дилида — поклик устувор бўлиши шарт.

Бинобарин, тахририятимиз Ўзбекистон Республикаси Олий судидан мазкур мақола бўйича ўз муносабатини билдирishi кутади.

ка”даги жавобни ўқиб, сесканиб кетасан киши. Наҳотки, бу улғу дароҳда инсоннинг тақдирига, унинг йиллар давомида умрини, соғлигини кемитиб келаётган аламли мунозабатларига эътибор шу даражада бўлса?!!

Наҳотки, Олий суддек улғу дароҳда газеталар билан “Тан олинмаган 60 минг доллар қарз” ёхуд терговчининг очикдан-очик жиноий хатти-ҳаракатлари хусусида мунозабат сарлавҳали мақолани ўқиб туриб ҳам (агар ҳақиқатан ҳам ўқиган бўлса) бир терговчининг хатоси билан айбсиз кишининг пешонасига “Судланганлик тамғаси” босилиб, айбсиз эканлигини исботлаш учун ўнлаб суд, бошқа юқори идораларга ва охир-оқибат тахририятимизга мунозабат қилган бировнинг бир жафокаш жуфти ҳалолни “Арбитраж ва ҳуқуқ” газетаси бош муҳаррирининг “Турмуш ўртоғи”га айлантириб қўйишса?!!

Бу жавоб шундоғам Шохиста Юсупованинг отаси Шомурод Бекмуродов билан ўртамизда кескинлики келтириб чиқарди. Ёлғон хабар бериш, товламачилик ва туҳматчилик билан қўришиб кетган янги можаро пайдо бўлди...

Азиз газетхон, ўзининг шохиди бўлганингиздек, Ўзбекистон Республикаси Олий судидеги муътабар дароҳда Ўзбекистон Республикаси Бош вазиринин

МУШОҲАДА

ҚАЙДАСИЗ, ЭРГАШ АКА?

Қирқинчи йилларнинг нарисиди Андждонда бир чол ўғил уйлантирибди. Кампири ўлиб кетган, ота-бола икков яшашаркан. Тўйдан икки-уч кун ўтгач, келин уйдан чиқиб, мундоқ қараса, катта ер ўртасида ориқ бир сизир ёғоч қозикқа боғланиб турибди, устидан офтоб ўтса ҳам, ёмғир ёгса ҳам ётар-турар жойи шу экан. Хуши келса, кимдир хашак ташлаб кўра, мўраб жонга текканида бир челақ сув бериб ўтаркан.

Кувёболадан сўрабди:
— Нега анов сизир ернинг ўртасига боғлаб қўйилган?
— Туради-да, жойи ўша, — дебди эри.

Оиланинг аҳоли ночор, чолнинг эғидидаги тўн неча жойидан амалган, калшишини тумшуги йиртилган экан. Ёз ўтиб, куз келибди.

Бир кун чол аллақайси қариндошининг уйига кетиб, эртаси қайтиб келса, сизир ўртадан олиниб, бир четга янаи ясалган охур ёнсага боғланибди, устида — эски шиферлардан ямаб-ясаб бўлса ҳам, бошпана. Эртасига қараса, келин-кувё иккиси тунда шунча катта ерни белкурак билан ағдариб, чопиб чиқибди, неча йиллардан бери тўдаланиб ётган мол гўнги тупроққа аралашиб ўғит бўлиб кетибди. Чол ажабланибди, аммо индамай кўяқолибди.

Қишининг ўртароғида келин қайночасидан илтимос қилибди:
— Дада, мана уч сўм пул — туман марказига борганингизда музқаймоқ сотадиған опага берсангиз, уч юзта қоғозстанкан беради, ҳар битмаси бир тўнмадан, шунга олқелиб беринг.

— Нима қиласиз, мунча қоғозстанкани, қизим?
— Дада, кейин айтаман, бир иш бор, — дебди келинпошиша қулмасираб.

Чол бир-бирига кийдирилган шунча қоғозстанкани белбоғига туйиб, олқелибди. Келин эса эри шундан қайтган, яхши ўйланган майин тупроқни шу қоғозстанканига солишга ундабди, ўзи икки ойлар аввал етилиб пухпа помидор урғулари ювиб қуршитиб қўйган экан, ҳар уяга биттадан уруғ ташлаб, сув қўйибди, илтиқана уяга олқираб, тоқчага териб чиқибди.

Энди бугунги сўранг. Илк баҳор уй ичиди помидор кўкариб чиқибди, одамлар бозордан ниҳол сотиб ола бошлаган маҳал буларники қоғозстанканида турганича гулга кирибди. Келин-кувё боғи шудор ерни яна чопиб, эгат олиб қўйишган экан, ҳаво илганда ниҳолларни экишди — қоғоз намда чириб, ўзига ўғит бўлиб кетаверибди. Бошқаларини экин гулга кирганда буларники шигил гўралабди. Уша йил ҳаммадан аввал бозорга помидор чиқаришди, гўн билан семирди ётган ер эмаси, кунора яшил-яшил қил-қизил помидор териб олишаверибди — чол бечора помидор сота-сота чарчаблар кетибди, кўли пул кўриб, чолони янгилабди, ярақлаган маҳси-қалишлар, десангиз. Аввал чойхонага кириб бир чойнак чой қақаришга ҳоли йўқ одам, энди тене-тўшларини меҳмон қилаётди, нолқаран: “Э, келин тумшугур чатоқ экан, памилдори сотавериб, чарчаблар кетдим...”

Яқинларимиз келин тумширса, “қадими кутлуғ келсин”, деб дуо қилади. Пойқадам ўз-ўзидан барака келтира бермайди, унинг учун одам ҳафсалали, ишининг кўзини билганидан бўлиши керак, албатта. Болага келин ана шунақа олтин ёмбиси бўлиб чиққан экан-да. Яхши келинлар кўл, меҳнаткаш кувёлар ҳам эс эмас, лекин ишининг кўзини билиш бир бошқа. Кетмон чопган ҳамма ҳам деҳқон эмас, қишлоқда яшаган ҳар киши миришкор бўлавермайди.

Ёдингизда бўлса, Асқад Мухторнинг “Чинор” романида Эргаш деган дўлвор бир йигит бор. У тоғдаги қоғ-роғларга қўмилган Сумбултомчи қишлоғида ўсиб-ўлғайган. Райком котиби Ориф ака уни шахарда, кўча-кўча айланиб юрганини кўриб қолади. Қараса, қўлида тоққайчи, “Винаградек чеканка!” (“Узумингизни хомрок қилиб берамин!”) деб бақириб юрибди. “Нима гап, Эргаш? — деб сўрайди Ориф ака. — Тоқларга кўл (шўр) тумшугини, ака, — дейди йигит. — Хомток қилмасан, ҳаммаёқни босиб кетайди!”

Эргаш ўзига ғалати бир иш топилди олдиди: ким хизмат ҳаққини берса — олиб, бермаса — савоб дея, ҳовлима-ҳовли ток хомток қилиб, касалликнинг олдини олиб юраркан. Эргаш шунақа миришкорки, у бутлаган ток шигил ҳосилга қиради, “Ишқомда тўғилиб, қайлада катта бўлган бу истарали йигит соҳибкорликни ўн беш ёшдаёқ эғаллаб, санъат даражасига кўтарган эди... У парвариш қил-



ган боғларда сентябрь ойлари ишқомда барг кўринмас, шигил хўсайни, ҳар боши нақ бир сават бўларди. Ҳар донаси қахрабодек сап-сарик, беғубор, кўши боғганда ичиди чўғ ёниб турагандай кўринар эди...”

Мен бир ўтти-шудли деҳқон киши, бир қўлигул боғбон йигитни эсга олиб ўтдим. Бундайлар ҳар бир қишлоқда топилари.
Лекин э биродари азиз, Сиз ўзингиз узумни хомток қила олмасизми? Ўрик ё олмангизни каллақлашга чоғланар экансиз, қайси шохни кесиш, қайси новдани қолдиришни биласизми? Ховлингиздаги икки сотиқхана ерга ҳар йили помидор қадайсиз, кўкаришга кўкаради, аммо тўрттагина етилиб пухпа помидорни бозордан олиб келасиз, тўғрими?

Ўзбекистондаги 34 миллионга аҳолининг ярмидан кўли қишлоқларда яшайди. Қишлоқда, демак, озми-кўпми, томорқаси бор. Аксар шаҳарликлар ҳам ҳовлида туради. Демак, ўзбек халқининг асосий истиқоматгоҳи — ҳовли.

Энди, йигирма миллиондан зиёд одам ҳовлида яшайди, деб ўртча ҳисоб-хитоб қилсак ва ҳар бир ҳовлида беш-олти киши яшайди, деб чамаласак ҳам, мамлакатимизда камида уч, уч ярим миллион ҳовли бор бўлиб чиқади. Бунинг ичиди ўн-ўн беш сотиқчи, гоҳо ундан ҳам каттароқ томорқаси бор хонадонлар бор. Майли, энг озини олайлик — ҳар бир ҳовли уч-тўрт сотиқ экин ерига эга бўла қолсин. Ушунда, бунча ҳовлида ўн-ўн икки миллион сотиқ экинзор борлиги аён бўлади. Бу эса юз-юз йигирма минг гектар экин ери демак. Ер бўлганида ҳам, хўп парваришланган, бодомдай тоши ҳам қолдирмай терилган, яхши ўйитланган, чуқур ағдарилган.

Энди, ўзбек борки, ҳовлисига икки туп ток қадайди, ўрик, анжир у анор, ноқ, шотут, олма экади. Хонтахтадай жойни ҳам бўш қолдирмай, помидор, булғор қалампир ундириш пайида бўлади. Ахир, ўз ерингда, ўз қўлинг билан етиштирган ноз-неъматнинг таъми бошқача-дай! Шапалоқдай ер қолса, кашничу, райхону жамбўл, ўсма сепамиз. Экигиз майдонни кўрсак, “ер увол бўпти”, деб ачинамиш.

Бирок ундан оладиган, тўғрироғи, олаётган ҳосилемиз-чи? Ҳаммаям еридан яхши фойдалана оладими?
Йўқ. Чунки миришкорлик суяк суриб, отадан болага мерос қоладиган нарса эмас. Ҳар ким бошқалардан ўрганиб, бу хунарнинг ҳадисини олади.

Қолаверса, баримиз ишли одамми. Биримиз сартарош, яна биров тракторчи. Биров бухгалтер, биров савдогар. Ўз хунаримизни миридан-сиргача билиб олган бўлсак-да, анов масалада нўноқимиз — хатто хомток қилишни ҳам эплаёлмаймиш. Бор барака, дея кесиб-бутаб ташлаб берсак, ҳар йилги озгина ҳосил ҳам йўққа чиқибди тайин. Нима қилсак бўлади? Ноилж, қўшнига юзланамиз, ака, шунга бир қараб беринг, илтимос...

Ахир қўшни — агроном. Бирок у киши пахтага агроном, узум ёки олмага эмас. Қўшни бечора ҳам, бошини қасиб, билганича иш қилади, натижаси эса боғайди.

Оқибат, ҳар ўн хонадоннинг тўққизи яхши унум олмади, ер бети кўкариб туради, битта-иккита дарахтни айтмасан, қолганларидан фойда бўлмайди. Ҳолбуки, агар ҳосил яхши бўлса, ана шу уч-тўрт сотиқ ер битта хонадонни йил бўйи боқайди, қолмишига бир-икки қўй, беш-ўн товуққа ҳам риқ унади. Мутахассислар Хусайн Каримов ва Ҳамро Ортиқов “Боғбоннома” рисоласида ёзишларича, бир қарич ер (20 x 20 см.)дан 2 кг. пиёз, ё 2 кг. картошка, ёки 2 кг. сабзи олиш мумкин. 6 кг. помидор, ёки 8 кг. бодиринг ундирса бўлади. Аммо қўнчилик шунинг ўндан бирини ҳам ололмайди-ку!

Албатта, ҳовлисиди экин ерни чамандай қилиб қўйган, дарахтларида чойнақдай-чойнақдай беҳи ва олма

осилиб турган миришкор юртдошларимиз бор. Оғилда тўздай-тўздай новвослар боқётган уддабурунлар ҳам топилари. Ҳамма ҳавас қилади, улардан салпал ўрганиб, ўз ҳовлисиди унаб ётганлар ҳам бисёр. Аммо нима қилайлики, кўнчилик ўз еридан яхши фойдалана олмайди. Чунки ҳамма ҳам қувули эмас, вақти ҳам йўқ.

Нима қилиш керак, курс очиб, одамларга агрономликни, ветеринарлик, энтомологикни ўргатамизми? Фойдаси биз кутганчалик бўлармикин?
Масалан, мен бунга умид қилмайман. Чунки ишдан чарчаб келган одам “ақлий штурм”дан кўра телевизорни афзал кўради. Матбуот саҳифаларида, телевидениеда бериладиган “миришкор хузурида” каби нарсаларнинг ҳам нафи оз. Кўрасиз, аммо эртасига ёдингиздан чиқиб кетади.

Ўзбекистонни жаннатмонанд юрт деймиш. Алқанганимизча бор. Ҳар бир хонадон ўз еридан унулли фойдаланса, эҳтиёжини қондирибгина қолмай, яна шунча неъматни хорижга сотишни ҳам бемалол урдаси бўлади. Хитойликлар қиялти-ку. Бунинг учун олма ёки бодиринга шира тушмаслиги, ер захкаш ё ориқ бўлмаслиги... керак.
Ҳолбуки, яна айтаман, кўнчилик анор пишганда ёрилиб кетишининг олдини олиш туғул, пиёзга қачон сув қўйиш кераклигини ҳам билмайди.

Чорасиз... дейсизми?
Ҳозир бозор иқтисодиёти замони. Ҳеч ким ховлингизга келиб, мол-қўларингизни текин даволамайди, қуруқ раҳматга товуқларингизга укол қилмайди, олмангизни бутаб, анжирингизни қўмиб бермайди. Ҳатто жиянингиз бўлса ҳам. Чунки ўзининг бошқа ишлари қолиб кетади.

Сиз пулини беришга розисиз, бирок миришкор одамни топиш мускул. Мана, мен устаман бунақа ишга, деган одамга эса ишониб бўлмайди. Ахир, оддийгина кўй жунини олишга ҳам асбоб-ускуна лозим. Ҳаммасини сотиб ола берасиз, аммо қув-чи? Бўёқда ҳали дов-дарахт, экин-тикин...

Таклифимиз — ҳар бир туманда бир неча соҳа бўйича усталар бригадаси тузиш керак. Техникаси билан келиб, ерингизни чопиб, эгат олиб берадиган, керакли ўғитларни олқелиб, зарур микдорда соладиган, дарахтларга шакл бериш қайси ерга қандай дарахт ниҳолни ўтқазиб, узумга сўринок қуришу уни хомток қилиш, зараркунанда ҳашаротларга қарши дори пуркаш, мол-қўларнинг ўсиб кетган туёғини зиён етказмай кесиш, канасини тумшириб, касалликларини даволаш, наслини яхшилаш... чунки ҳар бир хонадонда бундай иш-юмушлар сон-саноксиз.

Тўрт сотиқхана еримиз ориқми ё семимизми — билмаймиз, унинг ишқори камми ё кислотаси кўпми — аниқлай олмаймиш, нима солсак, тобига келади, унга нима эккан маъқул нима унмаслигидан гофилмиш ахир.

Биз уйимизни таъмирлашга уста чақирамиш, қудуқ қазирамиш, олифта қўқатларни эктирамиш, аммо мол-қўлга қарашга, дарахт экинларимизни парвариш қилишга келганда одам топиш қийин. Чунки зоотехник ё боғбонлар бугунги қунда минг афсуски, “Чинор” романидаги Эргаш дўлворга ўхшаб “Виноград чеканка!” дея кўчада чақириб юрмайди. Ёдингизда бўлса, илгариги вақтларда синган дерезага ойна

Пировардида яна бир гап: юртимизда номи ичкадай узун, лекин қилар ишининг нафини ҳамма ҳам билавермайдиган бир ташкилот бор. Майли, номи узун ичкадай бўлса ҳам айтайин: Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши деб аталади. Биласизми, бу ташкилотнинг нафақат республика балки, вилоят ва туманларда ҳам бўлимлари бўлиб, уларда қанчадан-қанча одамлар ишлайди, катта-катта маош олишади. Хўш, улар не юмушлар билан банд? Фикримча, буни ҳам деярли кўнчилик билмайди. Ачиниб кетасан-да, ахир, шуларга сарфланаётган ресурс — юқоридаги ишларга йўналтирилса, бўлмайди?
Бўлади, албатта.

соладиган, чинни қадоқлайдиган, пи-чок чархлайдиган усталар кўчада юриб, хизматини таклиф этар эдилар. Аммо у пайтларда ерингизга қараш, дов-дарахт парвариш, мол-қўй боқишга кўмаклашиш хизмати бўлмаган. Бўлмаса бўлмагандир, хўш, энди эҳсаб, нима қилади?

Башарти ҳар бир шаҳар, ҳар бир посёлка ва ҳар бир туманда эҳтиёжга қараб ана шундай омилкор, экин дов-дарахтлар парваришини қўйилатадиган, бажарган иши, таклиф этган уруғлиги, берган маслаҳати учун жавобгарликни бўйиндан соқит қилмайдиган зоотехниклар, агрономия мутахассислари, ҳашаротларга қарши курашадиган энтомологлар, қўлигул боғбону миришкор деҳқонларнинг бошини қовуштириб, номини “бригада” деймишми ё бошқами, ишқилиб элга нафи етгадиган, ҳам даромад топиб, ҳам эл дуосини олишдан роҳатланадиган кишилар бошини қовуштириб, уларнинг савиясини аниқлаб, тоифалаб, иккинчи ёқдан — бундай хизматларни реклама қилиб, иш учун буюртмачини ҳам, бажарувчини ҳам оғринтирмайдиган ҳақ белгилаб қўйилса яхши бўлади.

Энг муҳими, буларни бутун мамлакатда стандартлаштириб қўйилса ва ҳар бир хонадондаги мол-қўл, экин-тикин парваришининг энг қалти палларарида шундай одамларнинг ёрдами ва маслаҳатларидан фойдаланиш йўлга қўйилса, ишонманки, товуқларимиз касал бўлмай, тухумни кўпроқ беради, олма-беҳиларимиз қурт тушиши ва бужмайишдан омонда бўлади, сигиримиз серсует бўлади, новвослар бир тоннага яқин вази олади, ҳовли четиға қўйилган тўрт қути ари камида қирқ кило асал беради, табиий, тоза, қўлбола емиш қўлайиб, ҳозирги бутун Республикада олинаётган мева-чева, қўқат-резавор, сут-қатиқ, гўшт, тухум ва бошқа ҳосиллар икки баравар кўпаяди.

Бундай бригадалар кўп ҳақ талаб қилса-чи, деган хавотир эса ўринсиз. Бозор иқтисодиёти замони, ориқча ҳақ сўраган қосиб ўзига зиён қилади — ишсиз-даромадсиз қолади. Кейин, яна бир нарсани эслайлик: ҳар биримиз рўзгор учун қўларга, электрларга, уч-тўрт хил тоққайчи гулқайчи, сон-саноксиз кетмону белкурак, Хитойнинг дарвор ишдан чиқадиган дорипуркачиларини сотиб олганмиш — йиғсак, бир уй тўла ашқол-дашқол. Аммо ҳосилнинг қути йўқ. Ана ўшаларга сарф қиладиган пулингизни устасига бера-сиз — асбоб-анжом, техникаси билан келиб, ҳамма ишингизни агротехника муддатларида чиройли бажариб кетади. Энг муҳими, улардан аста-секин бу юмушларни адо этишни ҳам ўрганиб олишингиз осонроқ кечади.

Ва ана ўшунда йил-ўн икки ой уйингиздан ризқ-рўз аримади, болаларингиз қодланган олмаю апельсин истеъмол қилмайди, консервантлар қўшилган шарбат ичмайди, она заминимизда етишган, шираси тил ёрар ноз-неъматларни еб, илги тўқ, соғлом, бақувват бўлиб ўсиб, вояга етади. Ва мана шуниси сиз олаётган энг катта даромад ҳисобланади.

Бундан ташқари, миришкорлар юрти саналган Тўртқўлда кўркам бинолар, замонавий типда қурилган маиший объектлардан тортиб, чекка овул аҳолисигача меҳнатда тобланган, юрт қорига яраш иштиққиди ёнаётир. Оилалар, хонадонларнинг ободлиғида маҳалла, овул оқсоқолларининг ўрни бекиёс. 2013 йилдан буюн овул аҳолиси, у ерда яшаётган оилалар тақдирини, келажagini, орзу интилишларига камарбаста бўлиб келаятган “Уллубоғ” овул фуқаролар йиғини раиси Уринбой Юлдашев таъкидлаганидек:

— Барчамизга маълум, Ўзбекистонда учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш учун характер қилинмоқда. Президентимиз Ренессансинг асосий пойдевори сифатида таълим тизимини янги поғонага олиб чиқиш лозимлигини таъкидладилар. Бу ҳақиқат, албатта. Бундан ташқари, камбағалликни қисқартириш режаси, дастури ва “Йўл харитаси” тузилиди. Шунингдек, ишсиз фуқароларни муайян касб-хунарларни пухта ўзлаштиришни ташкил қилиш ва бу билан дунёда талаб кўчи бўлган мутахассисларни етиштириш асосий вазиға қилиб белгилангани алоҳида таъкидлашни истардим. Бугунги кун талаби муаммо ва қийинчиликлардан қочиш эмас, балки уларни бартараф қилишни тақозо қилади. Шу боис, ходимларимиз билан биргалиқда кам таъминланган ёки меҳнатта лаёқатсиз фуқароларимизнинг оилавий шароитини ўрганиб, муаммоларни жойида ҳал қилиб келмоқдамиз, — дея сўзини давом эттирди, пандемия даврида аҳолини қўллаб-қувватлагани учун “Меҳр — саховат” кўрак нишонини билан тақдирланган Уринбой Юлдашев. — Боғдорчиликда ҳам биздан ўрганишга арзийдиган ишлар талайгина. Пандемия шароитида кам таъминланган оилаларга маҳалла ва саховатпеша тадбиркорлардан Алишер Отажонов икки юзта хонадонга уч юз минг сўмдан, Эркин Раҳимов 4 та хонадонга биттадан қўй, Бекжонбой Бобоқонов сизир эҳсон қилишди. Бундан ташқари, 30 та эҳтиёжманд оила кўмир билан таъминланди, 6 та хонадонга иссиқхона қуриб берилди. Ўз-ўзини банд қилиш бўйича ҳам ишлар йўлга қўйилганлиги боис ҳудудимизда ишсизлар сонни кам.

Тадбиркорлик билан шугулланиб ҳам оиласини, ҳамда овулда яшовчи ишсиз ёшларни иш билан таъминлаб келаятган Рустамбек Разоқов томонидан ташкил қилинган илганда чехида 6 нафар ёш, Давронбек Мавлоновнинг пакет чехида 6 нафар ишчи мунтазам иш билан таъминланган. Шунингдек, тўқувчилик билан шугулланаётган Бекшоша Абдуллаева ўз шогирдлари билан қизларга тўқувчиликдан ташқари тикувчилик ва бошқа хунарларни ўргатиб келмоқда. “Хунарли киши хор бўлмас” деганларидек, хунармандларимиздан, авлоддан-авлодга ўтиб келаятган темирчилардан Илхом Машарипов, теричилик бўйича Эркин Раҳимовлар овулдошларига ўз хунарларини ўргатиб, шогирдлар орттирмоқда, — дея сўзига яқун эсади Уринбой ака.

Аллақачон маданий зонага айлиб улгурган овулда, яқинда томорқадан унулли фойдаланиш ва иссиқхоналарда мева-сабзавотлар, лимон, гуллар етиштиришда тажриба тўплаган тадбиркор Норгул Содикованинг хонадонидида ўтқазилган кургазмали семинарда, иштирокчилар бу ердаги иш жараёни ва тадбиркорлик сирларини баҳраманд бўлишди.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев видеоселекторда қуночқилик билан сўз юритган бир қатор масалалар, жумладан, ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, китобга ошно қилиш, интернет тармоғидан оқилна фойдаланиш, ёш авлодни ёт гоғлар таъсиридан ҳимоя қилиш, касб-хунарга ўргатиш сингари қатор масалаларга тўхталаркан, маънан қомилликка эришишда маҳалланинг ўрни гоғат муҳимлигини гапириб ўтдилар. Шундай экан маҳалла фаоллари билан тарғибот ва ташвиқот ишларини янада қучайтиришимиз лозим. Фуқаролар йиғинимизда малакали мутахассислардан, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича мутахассис Рохат Матниёзова, ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича раис Уринбосари Мардон Рейимов, шунингдек, Сан-жар Бердимуродов, ободонлаштириш ва тадбиркорлик бўйича раис Уринбосари Мурод Дусеновлар ўз ишларини сидқидилдан бажариб келишмоқда. Урناк олса арзийдиган оилаларимизнинг борлиғи бизни қувонтиради. “Отанг

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

Тўртқўл туманидаги “Уллубоғ” овул фуқаролар йиғини, туманда аҳоли сони жиҳатдан энг кўп ҳудуд саналади. Жумладан, битта ёрдамчи лозопед мактаб ва тўртта умумий ўрта таълим мактаби, бозор, темир йўл ва бир қатор объектлар ҳам айнан шу маскандан ўрин олган. Йигирма икки мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган овул фуқаролар йиғинида ёш тадбиркорлар анчагина. Хунармандлар, ижодкорлар, санъаткорлар, соҳибқору боғбонларни ўз бағрига олган маконда турли миллат вакиллари баҳамжиҳат умргузаронлик қилишмоқда.

“УЛЛУБОҒ” ДАГИ УЛУҒ ИШЛАР

Азалдан бободехқонлар, миришкорлар юрти саналган Тўртқўлда кўркам бинолар, замонавий типда қурилган маиший объектлардан тортиб, чекка овул аҳолисигача меҳнатда тобланган, юрт қорига яраш иштиққиди ёнаётир. Оилалар, хонадонларнинг ободлиғида маҳалла, овул оқсоқолларининг ўрни бекиёс. 2013 йилдан буюн овул аҳолиси, у ерда яшаётган оилалар тақдирини, келажagini, орзу интилишларига камарбаста бўлиб келаятган “Уллубоғ” овул фуқаролар йиғини раиси Уринбой Юлдашев таъкидлаганидек:

— Барчамизга маълум, Ўзбекистонда учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш учун характер қилинмоқда. Президентимиз Ренессансинг асосий пойдевори сифатида таълим тизимини янги поғонага олиб чиқиш лозимлигини таъкидладилар. Бу ҳақиқат, албатта. Бундан ташқари, камбағалликни қисқартириш режаси, дастури ва “Йўл харитаси” тузилиди. Шунингдек, ишсиз фуқароларни муайян касб-хунарларни пухта ўзлаштиришни ташкил қилиш ва бу билан дунёда талаб кўчи бўлган мутахассисларни етиштириш асосий вазиға қилиб белгилангани алоҳида таъкидлашни истардим. Бугунги кун талаби муаммо ва қийинчиликлардан қочиш эмас, балки уларни бартараф қилишни тақозо қилади. Шу боис, ходимларимиз билан биргалиқда кам таъминланган ёки меҳнатта лаёқатсиз фуқароларимизнинг оилавий шароитини ўрганиб, муаммоларни жойида ҳал қилиб келмоқдамиз, — дея сўзини давом эттирди, пандемия даврида аҳолини қўллаб-қувватлагани учун “Меҳр — саховат” кўрак нишонини билан тақдирланган Уринбой Юлдашев. — Боғдорчиликда ҳам биздан ўрганишга арзийдиган ишлар талайгина. Пандемия шароитида кам таъминланган оилаларга маҳалла ва саховатпеша тадбиркорлардан Алишер Отажонов икки юзта хонадонга уч юз минг сўмдан, Эркин Раҳимов 4 та хонадонга биттадан қўй, Бекжонбой Бобоқонов сизир эҳсон қилишди. Бундан ташқари, 30 та эҳтиёжманд оила кўмир билан таъминланди, 6 та хонадонга иссиқхона қуриб берилди. Ўз-ўзини банд қилиш бўйича ҳам ишлар йўлга қўйилганлиги боис ҳудудимизда ишсизлар сонни кам.

Тадбиркорлик билан шугулланиб ҳам оиласини, ҳамда овулда яшовчи ишсиз ёшларни иш билан таъминлаб келаятган Рустамбек Разоқов томонидан ташкил қилинган илганда чехида 6 нафар ёш, Давронбек Мавлоновнинг пакет чехида 6 нафар ишчи мунтазам иш билан таъминланган. Шунингдек, тўқувчилик билан шугулланаётган Бекшоша Абдуллаева ўз шогирдлари билан қизларга тўқувчиликдан ташқари тикувчилик ва бошқа хунарларни ўргатиб келмоқда. “Хунарли киши хор бўлмас” деганларидек, хунармандларимиздан, авлоддан-авлодга ўтиб келаятган темирчилардан Илхом Машарипов, теричилик бўйича Эркин Раҳимовлар овулдошларига ўз хунарларини ўргатиб, шогирдлар орттирмоқда, — дея сўзига яқун эсади Уринбой ака.

Аллақачон маданий зонага айлиб улгурган овулда, яқинда томорқадан унулли фойдаланиш ва иссиқхоналарда мева-сабзавотлар, лимон, гуллар етиштиришда тажриба тўплаган тадбиркор Норгул Содикованинг хонадонидида ўтқазилган кургазмали семинарда, иштирокчилар бу ердаги иш жараёни ва тадбиркорлик сирларини баҳраманд бўлишди.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев видеоселекторда қуночқилик билан сўз юритган бир қатор масалалар, жумладан, ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, китобга ошно қилиш, интернет тармоғидан оқилна фойдаланиш, ёш авлодни ёт гоғлар таъсиридан ҳимоя қилиш, касб-хунарга ўргатиш сингари қатор масалаларга тўхталаркан, маънан қомилликка эришишда маҳалланинг ўрни гоғат муҳимлигини гапириб ўтдилар. Шундай экан маҳалла фаоллари билан тарғибот ва ташвиқот ишларини янада қучайтиришимиз лозим. Фуқаролар йиғинимизда малакали мутахассислардан, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича мутахассис Рохат Матниёзова, ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича раис Уринбосари Мардон Рейимов, шунингдек, Сан-жар Бердимуродов, ободонлаштириш ва тадбиркорлик бўйича раис Уринбосари Мурод Дусеновлар ўз ишларини сидқидилдан бажариб келишмоқда. Урناк олса арзийдиган оилаларимизнинг борлиғи бизни қувонтиради. “Отанг



маҳалла, онанг маҳалла” деб бекорга айтишмаган, оилалар тинчлиги, хонадонлар осойишталиги, жамиятнинг равақ топишида муҳим роль уйнайди, албатта. Камбағалликни қисқартириш бўйича ҳам кўпгина чора-тадбирлар ишлаб чиққанмиш.

— Намунали томорқа эгаларидан лимончилик билан шугулланувчи Азамат Собуров, шунингдек, Собирбой Ваисов, Зевар Уринбоева, Ултин Каримова сингари ишининг кўзини биладиган тадбиркорларимиз, оиласидан ортиб, ўзлари етиштирган маҳсулотлар билан бозорларимизни таъминлаб, ҳам давлатга, ҳам оиласига, қолаверса, маҳаллодошларига наф келтирмоқда. Маданий ва маърифий тадбирларда ҳам овул фуқаролари фаол қатнашишади. Жумладан, “Нурли наволар”

ХАМКАСБЛАР

Умр йўлларида қалам билан



Бир қараганда кўз очиб юмгунча ўтиб кетадиган, не тадбир қўлланганда ҳам, лаҳзалар ҳукмига бўйсинадиган, шоирона айтганда, ердан қўйишга етгулик масофа узра сочилган йўл — ҳаёт йўлидир.

Инсон тафаккури ривожланишдан тўхтамайди, унинг тамал тошини, яъни инсон онги ривожининг нимага хизмат қилишини болалик белгилайди. Кечаги кунни хотирлаш эса келажакка назар солиш каби савобли ишдир. Ҳар топишмоқнинг жавоби, бошланган ишнинг интиҳоси бор деганларидек, келинг, биз ҳам асосий мақсадга қайтсак.

Утган асрнинг етмишинчи йиллари, бир ўспирин йигит қаламга ошно тутинган дамлар... ижодий изланишлар сари интилди. Ундаги иқтидор куртаклари юз очди. У ўзи яшаётган маҳаллага сиймай қолди. Ички бир истак уни шаҳарга яқинлаштирди. Шундай қилиб, бўлажак журналист Аҳмадали Шерназаров "Сирдарё ҳақиқати" газетаси қошида ташкил этилган "ишчи-деҳқон мухбирлари" мактабига йўл олади. Бу ерда асосан ёши каттароқ ижод шайдолари журналистик билим ва кўника олишар эди. Чеккароқ худуддан келган изланувчан мактаб ўқувчиси истисно тариқасида ушбу мактабга қабул қилинади.

Уша даврда автобус, энгил машиналар қатнови ҳозиргидек эмасди, навбатдаги машғулоти тугатган ўспирин уйга қайтиш учун поездга чиқади, йўлда бекат йўқлиги сабаб, тўхтамаган поезд Бекобод томонга ўтиб кетади. Аҳмадали тўнни станциядаги ёғоч стулда ўтириб ўтказиб, тонгда уйга қайиб келади. Аммо у қийинчиликларга қарамай, ўз йўлидан қайтмади.

Айниқса, унинг 1981 йилда "Сирдарё ҳақиқати" газетасига хат ташувчи вазифасига ишга қабул қилиниши, ҳақиқий ижод майдонига кириб келишига замин яратди. Сирдарё журналистикасининг даргалари ўғитларига қўлоқ тутган Аҳмадали Шерназаров кейинчалик мусафҳах, мухбир, бўлим мудир вазифаларида фаолият юритди. Ишдан ажралмаган ҳолда, Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) нинг журналистика факультетини тамомлади.

А. Шерназаров журналистиканинг деярли барча йўналишларида қалам тебратди, унинг қишлоқ ҳўжалиги, ҳукуқий органларга оид, фан, таълим, маданият соҳасини тарғиб этувчи қатор мақолалари ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

Шунингдек, республикамиз бўйлаб қилинган сафарлари тўғрисидаги публицистик мақолалари залворли, тош босадиган, сўзнинг юқини кўтарадиган асарлар жумласига қиради. Бундан ташқари, ижодкорнинг бадиаларини ўқиган мухлислар ботиный бир мўъжизани ҳис этади, табиат билан инсон ўртасидаги боғлиқлик яққол кўзга ташланади. Қисқа қилиб айтганда, бу бадиалар даракларни, тоғу тошни, дарёларни сўзлатади, ҳеч муболагасиз ижодкор гўзал табиатга сўз билан янада чирой бахш этади. Айниқса, Аҳмадали аканинг "Сирдарё симфонияси" номли очерки шу заминда улғайган фарзанднинг юртига бўлган чексиз эҳтироми намунасидир.

Ўз иқтидорини намоён этган ижодкор улғурларнинг назарига тушиб, унга "Халқ сўзи" газетасининг Сирдарё вилоятидаги махсус мухбири вазифаси ишониб топширилади. Мана, бир неча йилдирки, Аҳмадали ака бу вазифани муносиб равишда уддалаб келмоқда.

Яқинда "Янги Сирдарё" газетасида А.Шерназаровнинг бир саҳифани эгаллаган шеърлари чоп этилди. Ижтимоий тармоқларда "Тарози" номли шеъри эълон қилинди. Бу шеърлар ўзининг пишиқ-пухталиги билан кўпчилиқнинг эътиборини тортиди. Уларни қайта-қайта ўқиб, шундай хулосага келиш мумкин, агар Аҳмадали Шерназаров бор иқтидорини шоирликка қаратганда таниқли шоирларнинг муносиб издоши бўлар экан!

Қадрдонимизнинг яна бир ажойиб хислати бор, у ўзидан кейинги етишиб келаётган ёшларга журналистика сир-асрорларини ўргатишдан чарчамайди. Шу боис, ёшлар, уйсига тапнинган поллопонлардек, унинг атрофида тўпланишни одат қилишган.

Ийлар тўзони юғурик, сочларига оқ оралаган Аҳмадали Шерназаров бугунги кунда қулғу олтимиш ёшни қоралаптир. Биз умр йўлларида мазмун касб этиб, олдинга одимлаётган ижодкорга ҳамиша омон бўлинг, деймиш.

Алишер НУР, Ғулом ПРИМОВ, Сирдарё вилояти.

НУҚТАИ НАЗАР

Маънавиятдан юз ўгирасизми?

2019 йилнинг август ойида (унда ҳали пандемия йўқ эди) тахминан юз кишилиқ жамоада байрамга бағиш-лаб умумхалқ хайрия ҳашари эълон қилинди. Ишонсангиз, бу анъанавий тадбирга бор-йўғи... 5 киши чиқди.

Қолганлар дам олиш кунини ишхонада ўтказишни маъқул кўришмади. Ҳашарга келмаганлардан сўрадик: "Кеча нега умумхалқ хашарига келмадингиз?" У жавоб бир хил бўлди: "Сиз хашар ҳақидаги эълонни охиригача ўқимадингизми? У ерда "Ҳашарга чиқиш ихтиёрий", деб ёзилган. Шунинг учун ..."



Мана сизга биргина "ихтиёрий" сўзининг шарофати. Баъзилар ихтиёрий тушунчасини демократия аломати деб ҳам тушунишади.

Бир суҳбатдошимиздан сўрадик: "Сиз нега газета ёки журналга обуна бўлмадингиз?" Жавоби ҳам тайёр экан: "Ахир обуна ихтиёрий-ку". Ана холос. Шунинг учун баъзи зиёлилар ўзини ўта маданиятчи, юқори даражада фикрловчи сифатида кўрсатиш учун "Газета ўқимаганимга анча вақт бўлди", дейишар экан-да.

Газетадан юз ўғирини! — маънавиятдан юз ўғирини эмасми?! Матбуотдан узоқлашиш — атрофда рўй бераётган ҳаётдан нари кетиш эмасми?!

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги айни обуна мавсумида бир баёнот билан чиқди: "Биз мажбурий обунага қаршимиз!". Худди "Биз алкоголь ичимликлар истеъмол қилишга ва тамаки чекишга қаршимиз", деган оҳанда!

Мажбурий, зўрма-зўраки обунага биз ҳам қаршимиз. Лекин боғи баёнот ихтиёрий обунанинг ҳам йўлига тўсиқ бўлганда-да! Ахборот ва оммавий коммуникация ривожланишини хоҳлаёсизми? Ундай бўлса ихтиёрий обунани тарғиб қилинг. Халққа унинг аҳамиятини тушутириг. Ким нима деса десин, мен даврий нашрлар обунасига тарғибот орқали, тушунтириш орқали эришилади, деб ҳисоблайман. Агар шундай қилинмаса, ихтиёрий сўзининг юқорида айтилган натижасини олаверасиз.

Осиё қитъасида жойлашган Японияни олайлик. Бу мамлакатни тартиб-интизом улқаси дейиш мумкин. Бир йили цунами деган бало-қазо ёпирилди. Ҳамма жой вайрон бўлди. Аҳволни кўрган кузатувчилар энди яна 30 йилда ҳам унганмаса керак, деб

ўйлашди. ФИФА қарор қабул қилди: Японияда ўтказилиши мўлжалланган аёллар футбол бўйича жаҳон чемпионати Ўзбекистонга кўчирилади. Японлар қисқа муддатда цунами оқибатларини бартараф этишди. Кўп ўтмасдан айтишдики, халқаро мусобақани ўзимиз ўтказамиз. Қойил. Мана бунни ватанпарварлик деса бўлади.

Коронавирус пандемияси даврида ҳам Япония барчага намуна бўлди. Европада тараққий этган мамлакатларнинг аҳолиси беласандлик билан карантин қоидаларига амал қилмаган даврда японлар масалага жиддий ёндашиб, вирусдан нисбатан кам зарар кўришди. Президентимиз Ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишланган маросимда шундай мисол келтирдилар. Дунёда ахборот технологиялари юксак даражада ривожланган Японияда миллионлаб нусхада газеталар чоп этилаёттиди. Тўғри-да, газетанинг инсон ҳаётида ўз ўрни бор.

Бизда баъзи "пешқадам" фикрловчи раҳбарлар интернет орқали ахборот оламингиз, деган гапни айтишди. Эҳ-ҳе, юртимизнинг ҳамма жойида муттасил эртлик таъминоти борми, бўлганда ҳам кўп жойларда "wi-fi" ўрнатилмаган. Каттагина вазирлик бўлтур шу масалада устоз журналистни судга бермоқчи бўлди. Йўқ, санокли кунлар қолганда журбат қилишолмадим, судга берилган даъво қайтариб олинди. Лекин шунча гапдан кейин ҳам ўша вазирликда матбуотга муносабат ихобиий томонга ўзгармасдан келмоқда.

Қизик, бирор жойда обуна яхши йўлга қўйилса, бу хабарни фавқулодда ҳодиса сифатида қабул қилишади. Нима эмиш, мажбурий обунани фош қилиш керак. Ким ҳаммаси ўз-ўзидан амалга ошаверади, деб уйласса адашади.

Меҳнат муносабатлари борасида "Ўз-ўзини банд қилиш" деган тушунча бор. Шу банд бўйича муайян ҳудудда шунча киши ишли бўлди, деб ҳисоб беришади. Бунга қандай эришингиз, деб сўрасангиз, солиқ идораси ходими аҳоли билан учрашуварда ўз-ўзини банд қилиш афзалликлари ҳақида тарғибот натижасида деб айтишади. Умуман, халқ ҳўжалигининг жуда кўп жаҳаларида турли учрашуварда муайян соҳаларнинг афзалликлари ҳақида тушунтириш, изоҳлаш керак бўлади. Журналистлар ҳам матбуот нашрининг аҳамияти тўғрисида тарғибот олиб борса нимаси ёмон?

Ушбу йилнинг 19 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан тақомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида Президентимиз айрим нашрлар обунаси ноқорлиги учун ўқувчисига етиб бормаётганлигини таъкидлаб, уларни етказиш чораларини кўриш зарурлигини ўқтирди.

Биз, журналистлар айтаётган гапимиз имкон қадар кўпроқ газетхонага етиб боришга, айнан газета саҳифасида одамларнинг дил сўзлари чоп этилишига интиламиз. Бунга ташкилий ишлар орқали эришиш мумкин. Келгусида газета саҳифаларида қандай мавзуга ёритилиши ҳақида сўзлаб бериш учун жонли мулоқотлар ўтказилди. Тадбир якунида газетга обуна бўлишни тавсия этамиз. Агар шунини "мажбурий обуна" деб тушунсангиз, тагин ҳам ўзингиз биласиз.

Шухрат ЖАББОРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

1-6

2020 йил 11 декабрь кунини "facebook" ижтимоий тармоғи фойдаланувчиси Фатима Жураева "Халқ билан мулоқот/Диалог с народом" гуруҳида бир изоҳ қолдирди. Унда айтилишича, Андижон вилояти, Асака тумани Мактабгача таълим бўлими мудирини тумандаги мактабгача таълим ташкилотлари ходимларидан "Асака ҳаёти" газетасига обунани ташкил этишни сўраган. Ушбу "facebook" фойдаланувчиси эса бунинг учун Мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи ва унинг матбуот котибидан изоҳ талаб қилган. Қизиқ, қачондан буён обуна бўлишимиз тўғрисида кимларгадир изоҳ берадиган бўлиб қолдик?

салан, мен газетанинг бир саҳифасида босилган ҳикояни ўқимаган кишининг китоб варақлашига мутлақо ишонмайман. Китобхонлик газета ўқишдан, ҳа, аввало, газетхонликдан бошланади. Қарангки, китобхон, ақалли, газетхон бўлганда муаллим қўлида китобхон ё газетхон бола камол топа оладими?

Мактабда ўқиган пайтларим ҳар жума кунги дарслар "Ахборот соати" билан бошланарди. "Ахборот соати"да ўқувчилар янгиликларни тўплар ва дарсларда баҳам кўрарди, турли мавзуларда баҳслар, таҳлиллар қиларди. Синф раҳбаримиз янгиликларни халқаро, республика, вилоят ва туман миқёсида тўплашни тайинларди. Мен ҳамиша тумандаги янгиликлардан жамлаб бо-

МУАЛЛИМ ВА МУҲАРРИР МИЛЛАТНИНГ ИККИ КЎЗИДИР

ёхуд эски мавзуда янги гап

Изоҳларда қолдирилган муносабатларда Фатима Жураевага боғча тарбиячилари мурожаат қилган ва шунинг учун у ушбу изоҳни тармоқда қолдирган. Муносабатлардан яна маълум бўладики, "facebook" фойдаланувчиси яқин бирор йилда бирор газета ё журнални, ақалли ўша ўз туманига тегишли "Асака ҳаёти"ни, ҳатто, ушлаб ҳам кўрмаган. Хўп, майли, тарбиячиларнинг "Асака ҳаёти"га обуна бўлгиси келмас экан, қайси нашрга обуна бўлишни истайди? Танганинг бу тарафини ҳам эътиборга олиш кераки, ахир? Ҳеч қайсисига! Тўғри, англадикми?

Тагин бир ҳангома-да. "Telegram" ижтимоий тармоғидаги гуруҳларнинг бирида икки киши ўзаро суҳбатлашган. Уларнинг бири газетани эскилик сарқити, дея ёмонотлиқ қилаётган пайтида савол келди:

- "Тафаккур" деган нашрни эшитганмисиз?
- Эшитгандекман.
- Бирор сонини кўрганмисиз?
- Йўқ. Демак, яхши газета. (?) шунақами?

Масалан, қамин журналист сифатида бирор фермер билан гаплашмоқчи бўлсам, албатта, соҳа асрорларини ўрганаман ва шунга яраша тадориғимни кўраман. Қўрувчи ё бирор соҳа амалдори билан учрашмоқчи бўлсам ҳам худди шундай. Аслида бундай йўл тутиш учун, албатта, журналист бўлиш шарт эмас. Шунчаки фаҳм-фаросатли киши бўлиш kiffoя.

Шу ўринда асосли мулоҳаза: нима учун босма оммавий ахборот воситалари кузатишмай, улар таҳлил қилинмай туриб, талқин чаппасига буриб юборилаяпти ва шу калтабинлик билан чекланилапти? Матбуотнинг истиқболи тўғрисида ҳукм чиқармоққа кимлар дохил: тармоқ фойдаланувчилари ё босма ОАВ мутахассисларими?

Муаллимлар оёқ тираб обуна бўлмаётган газеталар шу устозларнинг ҳақини талаб қилишга бораёпти-ку, аслида. Масалан, "Тараққиёт" газетасининг 2021 йил 14 январдаги 1-сонида "Таълимдаги таъмағирлик" фельетони эълон қилинди. Унда ёзилишича, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрган туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабиде ишга жойлашиш учун пора талаб қилинади. Ҳаттоки, ўқитувчилар орасидаги дарслар тақсимоти ҳам ўқитувчининг педогогик маҳоратига эмас, бевосита "ҳиммат"га боғлиқ. Масалан, "Таълимдаги таъмағирлик" фельетонида ушбу мактаб ўқитувчиси Бахтиёр Менноровнинг 2 миллион сўм эвазига 20 соат дарсли бўлгани айтилади.

Очиғи, биргина фельетон халқ таълими тизими муассасалари кирдикорликларини фош этгандек, гўё. Китобларни гулханга ташлаган, маърифатдан бебаҳра фашистлар Германиясининг тақдир маълуми. Фантаст ёзувчи Рэй Бредберининг "Фаренгейт бўйича 451 даража"сидаги китобқар Монтег қисмати ҳам мавҳум эмас. Ма-

рардим. Чунки бобом газетга обуна бўлганда-да.

Яна бир гапки, ҳозирги ёшлар нутқидаги нуқсонларга ҳам газета ё китоб ўқимасликнинг оқибати, деб қараш мумкин. Турли-туманнингизнинг ўзи мажбурийликлардан иборат бўлганидан кейин газета ўқишга ҳам, албатта, мажбурият керак-да! Ахир, таълимнинг ўзи ҳам мажбурий-ку! Қани, мажбурий таълим бекор қилинса, неча бола мактабга борар экан? Таълимсизликнинг оқибати маълум бўлганидек, матбуотсиз жамиятнинг ҳам аҳволини тан олишга мажбурийми!

Масалан, бетоб бўлсак, бирор дори ичишимиз керак. Тузалиш учун шунга мажбуриймиз. Маънавий хасталиқларимизга дармон топомқ учун ҳам обуна бўлишимиз, ўқишимиз шарт!

Жадид боболаримиз эрк ва истиқлол, адолат ва ҳақиқат йўлини, унга эришиш сўқмоғини таълим ва матбуотдагина кўрганлар ва шу асосда ҳаракат қилганлар. Жадидлар таълим орқали аҳолини хат-саводли қилиш ҳамда матбуот орқали эрқка эриштиришни ният қилганликлари бежиз эмас эди!

Болани тарбиялаш, улғайтириш осон эмас. Айниқса, айни глобаллашув замонида. Кимдир дунёнинг қайсидир бурчагида мурғак қалбли, ҳали оламни тўлиқ тушуниб улгурмаган қоракўз болаларни пойлаб турмаганига кафолат борми? Болага муфассал тарбия бермоққа ёлғиз муаллимнинг кучи етиши душвор эмасми? Баркамол инсонларни камол топтиришда муаллим ва муҳаррир биргалликда ҳаракат қилишлари, эшакани бирга эшишлари тўғри бўлмайдими? Аммо бунини тушунон бор, тушуномаган бор; моҳият ва шартини билиб-билмай Ғарбга кўр-кўрона эргашган бор, ўз позициясини яратётган бор.

Назаримда, болаларнинг, демакки, жамиятнинг эртаси бугун қайси газета ё китобни ўқийётгани ёки ўқимайётгани бўлса бевосита боғлиқдек кўринади менга. Ахир, ота-оналаримиз газета ва журналлар ҳамда китобларни қолдирмай ўқиган, китоб дўконлари очилмасидан навбатта турган эдилар ва бугун жамиятда ўзгаришлар бўлди. Агарки, жадидларимиз фақат мактаб очиб ё газета чоп этиб эрқка эришмоқчи бўлганлариде, бугунги кунимиз ҳақида бирор не дейиш сўроқ остида қоларди. Дуторнинг бир тарихисиз куй янграмаганидек, ирмоқ бошқасига қўшилмасдан дарё бўлмай ирмоқлигича қолганидек, қуш бир қаноти билан парвоз қила олмаганидек, мактабнинг ўзи билангина, ё фақат газета билан миллат болаларини тарбия қилиб бўлмайди.

Миллатнинг икки кўзи бўлган муаллим ва муҳаррирларга эски мавзуда айтомқчи бўлган ўзимча янги деб ўйлаган гапларим шулар эди.

Отабек ИСРОИЛОВ, журналист.

УЮША ФАОЛИЯТИДАН

Истеъмолчилар фойдасига 2 МИЛЛИАРД ундирилди



Шунингдек, "Навий худудий электр тармоқлари" АЖ, "Худудгаз Навоий" МЧЖ каби корхоналарнинг ноқорунчи хати-ҳаракати юзасидан ҳам вилоят судига шикоят аризалари киритилган, натижада 2 миллиард сўмдан зиёд маблағлар ўз эгаларига қайтарилган. Тушунинг қийин, ўзи бу хизматлар ҳозирги кунда аҳолига деярли хизмат кўрсатмаяпти. Уларга ажратилаётган маблағ кимнинг ҳисобидан эканлиги билан ҳам ишлари йўқ. Нега? Аслида улар аҳолининг коммунал туловлари ҳисобидан ойлик маош олишади, бунинг устига истеъмолчининг ҳақини ҳеч иккиланмай "туя" қилишаверади.

Юқоридаги кўзбўямачилиқлар ҳақида Ўзбекистон Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридеги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги Навоий вилояти худудий бошқармасининг 2020 йилги фаолияти яқунлари ҳамда 2021 йилги режаларига бағишланган матбуот анжуманида бошқарма бошлиғи Валижон Адизов гапирди.

Навий шаҳридаги "Коворкинг" марказида ўтказилган анжуман Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Навоий вилояти бўлими ҳамкорлигида ташкил этилиб, унда бошқарма масъуллари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

— Бошқармамизга ўтган йил давомида аҳолидан 681 та мурожаат келиб тушди, — дейди В.Адизов. — Улар асосан коммунал ва савдо соҳаси билан боғлиқ. Хусусан, электр

Маълумки, жойларда истеъмолчилар ҳуқуқларини менсимаслик ҳолатлари тез-тез кузатишмоқда. Навоий вилоятидаги вилоят коммунал хизматининг судга тортилгани ҳам бежиз эмас. Истеъмолчиларнинг ҳақини еб кетиш оддий ишга ўхшаб қолаётган бўлса-да, Ўзбекистонда ҳам қонун бор...

тармоқларидаги узлишлар, тегишли чеклаш ва узиб қўйиш жадвалига кура амалга оширилгани учун "Навий худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти ҳамда суопотирилган газ нархини асосиз равишда оширганлиги сабабли "Худудгаз Навоий" масъулияти чекланган жамияти каби корхоналар фаолияти юзасидан судларга мурожаат қилдик. Натижада истеъмолчиларни қийнаётган ҳолатлар ўрганилди ва ихобиий ҳал этилди.

Бошқарма мутахассисларининг айтишларича, айрим корхоналар истеъмолчи билан шартнома имзолаётганда гўё ўзини юқори орган ҳисоблаб, устун мавқега эга талабларни киритишган. Бундай мисолларни ипотeka кредити асосида уй харид қилишда тадбиркор ва фуқаро ўртасида тузилаётган шартномаларни ҳам асос қилиб келтириш мумкин.

Афсуски, "Ўзшаҳарқурилишнинг" инжиниринг компанияси, "Навийдонмахсулотлари" ҳамда "Навийэкспертиза" акциядорлик жамияти ва истеъмолчилар ўртасида тузилган шартномаларда ана шундай қонунбузилиш ҳолатлари борлиги аниқлиниб, бартараф этилганди, аммо вазият ўзгармапти.

Анжуман давомида журналистлар томонидан кўпгина соҳаларда, жумладан, дори-дармонлар нархлари ўтган йил пандемия авж олган даврда анча ошгани, бугунги кунга келиб эса вазият юмшаганига қарамай, қолган кўпгина соҳаларда оширилган нархлар сақланиб қолгани тўғрисида саволлар ўртага ташланди.

— Бирор корхонага нисбатан одамларда ишонч пайдо бўлиши учун улар ўз фаолияти ҳақида маълумотларни кенг оммага ошкор этиб бориш керак, — дейди "Вu kиn" информация дастури вилоят мухбири Сабина Ҳўжаева.

Анжуман якунида билдирилган тақлиф ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, мажкур бошқарма билан журналистлар ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида амалга оширилмаган бир қатор пойхалар, тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Озод МУСТАФОВЕВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Навоий вилояти бўлими мутахассиси.

ИККИНЧИ ФИКР

Бобомиз Тоғай Мурод бир роман ёзди.
Бобомиз Шухрат Аббосов ўша романни ажойиб фильм қилди.
Ўша роману фильмнинг доғруғи тоғлар оша Кўхикоф томонларга-да етди!
У ўзбек халқининг жасорат қўшиғи бўлиб, тиллардан тилларга кўчди. Изтироб оловида ёнганларга малҳам бўлди!
Улар учун китобни ўқиш, фильмни кўриш азоб берса-да, ҳақиқат сабаб қайта-қайта ўқийвердилар. Кўравердилар. Билъакс, ундаги ҳақиқат бунга мажбур қилди.
Мен уларга ҳайкал қўяман!

ОТАМДАН ҚОЛ(МА)ГАН ДАЛАЛАР!

Тоғай Мурод деган ёзувчи чиққанди бир вақтлар. Сурхон фарзанди эди у. "От кишнаган оқшом", "Ойдинда юрган одамлар", "Момо ер қўшиғи", "Юлдузлар мангу ёнади" деган қиссаларини севиб ўқидим. Бобомиз "халқдан янги ёзувчи чиқибди" деди.

Тоғай Мурод ажиб-ажиб қиссалар ёзди. Тўлиб-тошиб ёзди. Бобомизни дам йиғлатиб, дам қулдириб ёзди. Борича битди. Ёлгонни ёмон кўрди. "Ёлгонни ёзган куним — менинг ўлганим!" деди адиб. Халқини ўйлаб, унинг дардини ёзгиси келди. Йиғлаб-йиғлаб, қулиб-қулиб ёзди.

Бир даврлар бўлди. Тоғай Мурод бир роман қоралади. Отини "Отамдан қолган далалар" деб қўйди. Кўпчилик "Ай, отасидан қолган қандай даласи бор экан?" деди. Лекинда бобомиз ундай демади. Чунки китобда ўзи ва оиласини кўрди. Қизиқсиниб, минг бир ҳаяжон ила мутолаа қилди. Китоб эмас, ўзбекининг ҳаётини ўқиди.


Асарни ўқиган инсон ўша ҳаётда яшади. "Жамолдин кетмончи менинг бобом-ку!" деди. "Ақраб кўрбоши сенинг амакинга ўйшар экан!" деган китоб қилди. Қайсида одам "Деҳқонқул ахир мен!..." — дея пичирлади.

Ўзбек халқи асарда ўзини кўрди. Пахта деб жонини жабборга берган отаси, онаси, ака-опалари кўз олдида келди. Адоқсиз далалардаги пахтазорларда пахта-пахта қон қусганини хотирлади.

Роман эларо машҳур бўлди! Тоғай Мурод "Ўзбек халқига ҳайкал қўяман", — деб билиб-билмай ўзига ҳам ҳайкал қўйиб кетди.

Биродарлар! Шу асарни кино қилишди! Шухрат Аббосов деган режиссёр киноманас кино олди. "Маҳаллада дув-дув гап", "Сен етим эмассан" деган киноларни ишлаган режиссёр бу сафар ҳам маҳоратини кўрсатди. Китобини кино қилишларини ёқтирмайдиган адиб ҳам фильмни томоша қилиб, мактаб қўйди.

Лекин, лекин... не ажабки, бугун ўша фильмни телеканалларимиз кўрсатмайди. Нега кўрсатмасликларини балиқ билади, балиқ билмас, Холиқ билади. Ахир бу халқ мулки-ку! Нега у намойиш этилмайди? Одамларнинг "Отамдан қолган далалар"ни экранларда кута-кута кўзи тўрт бўлди. Ўзбек халқининг аччиқ қисматини ўзига кўрсатишдан чўчидилар. Чўчишимизни ёки бошқа сабабми мана йигирма йилдирки, ё ундан ҳам кўпдирки фильм берилмайди. Сабабини кимдир тушунтириб ҳам берайди. Бобомиз мана шундан қуяди. Бобомиз БАЪЗАН ЁЛҒИЗ ҚОЛГАНДА ЎЗИГА ЎЗИ ЖАВОБСИЗ САВОЛЛАРНИ БЕРАВЕРАДИ.



дунёқараш абгор бўлади. Онги ва тафаккури бошқалар томонидан осонгина бошқарилади. Тафаккур қилиш, фикрлаш деган тушунчаларнинг кўчасидан ҳам ўтмайди. Бу кетишда миллат таназзулга ботади.

Бобомиз буни теран тушунади. Фикр билдирай дес, "замондан орқада қолган" деган дашномни эшитди. Бобомиз уларга ачинади. Қўғирчоқлардек бошқарилаётган ёшлардан хафа ҳам бўлади. Бобомиз отасидан эшитган ривоятни набирасига айтиб беришдан чарчамайди:

ЛЕКИН, ЛЕКИН... НЕ АЖАБКИ, БУГУН ЎША ФИЛЬМНИ ТЕЛЕКАНАЛЛАРИМИЗ КЎРСАТМАЙДИ. НЕГА КЎРСАТМАСЛИКЛАРИНИ БАЛИҚ БИЛАДИ, БАЛИҚ БИЛМАСА, ХОЛИҚ БИЛАДИ. АХИР БУ ХАЛҚ МУЛКИ-КУ! НЕГА У НАМОЙИШ ЭТИЛМАЙДИ? ОДАМЛАРНИНГ "ОТАМДАН ҚОЛГАН ДАЛАЛАР"НИ ЭКРАНЛАРДА КУТА-КУТА КЎЗИ ТЎРТ БЎЛДИ. ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ АЧЧИҚ ҚИСМАТИНИ ЎЗИГА КЎРСАТИШДАН ЧЎЧИДИЛАР ЧЎЧИШДИМИ ЁКИ БОШҚА САБАБМИ МАНА ЙИГИРМА ЙИЛДИРКИ, Ё УНДАН ХАМ КЎПДИРКИ ФИЛЬМ БЕРИЛМАЙДИ. САБАБИНИ КИМДИР ТУШУНТИРИБ ХАМ БЕРМАЙДИ. БОБОМИЗ МАНА ШУНДАН КУЯДИ. БОБОМИЗ БАЪЗАН ЁЛҒИЗ ҚОЛГАНДА ЎЗИГА ЎЗИ ЖАВОБСИЗ САВОЛЛАРНИ БЕРАВЕРАДИ.

Қадимда томошабинлар дорда юрган дорбозга аңқайиб турганда кисавурлар уларни чўнтагини кесиб кетганидек, ёшлар миясини заҳарлаётган кимсаларни пайқамайди. Давлат раҳбари миллий гоа тарғиботи учун янги жамғарма ташкил этади. Ёшлар маънавиятли бўлсин дейди. Қандай яхши. Аммо баъзи амалдорлар буни юракдан бажармай демайдилар... Қачонки, давлатимиз раҳбари ҳам айтибдиларку: "Миллий гоани тарғиб қилишда фақат тадбирлар эмас, балки тарихни, кадрларни ўргатиш, адабиёт, китобхонликка меҳрли кучайтириш, шунингдек, кино, театр санъати имкониятларидан унумли фойдаланиш ҳам жуда муҳим", деб!



— Шу сўзларни айтган тилларингга шаклар! Бобомиз шундай деб уларни алқаб қўяди. Хеш-ақрабларга "Рўйхатда "Отамдан қолган далалар" ҳам бор эканми?" деб мурожаат қилади. Бобомизнинг ҳафсаласи пир бўлади. — Ай, болам, ахир рўйхатда "Отамдан қолган далалар" йўқ-ку, деб тагин хуноби ошади. Момомиз кўзига ёш олади. Сароб каби кўринган воқелиқдан умид узади. Буларни ўқийтган одам мени айблайди. "Эзвординг-ку, оғайни, намунча шу кинога ёпишасан?" Бундан бошқа яхши кинолар ҳам бор!" Каминага шундай саволлар берилади. Бобомизга қўшилиб, мен ҳам ичимда пичирлайман: — Бу кино эмас, тарих! Ўзбек халқининг мустанлақалик истибдодидаги ўтмиши! Сен-да, мен-да аждодларим шундай яшаган-ку! Нега ундай дейсан?

Камина шундай деб жавоб қайтаради. Ҳаёт мазмунини "tik-tok" деган гуруҳда беъмаъни видеоларни кўриш ва уларда қатнашиш, ижтимоий тармоқларда худда-бехуда воқеаларга муносабат билдирадиган ёшлар каминага ажабсиниб қарайди. Бобомиз буларни билса-да, бор алам ва изтиробини ичга ютади. Телекранларда маънили кўрсатувлар, фильмлар ўрнини шоу-бизнес вакиллариининг сохта чехралари эгаллаганидан, сценарийни йўл-йўлакай ёзиб, кино, сериал ишлайдиган "режиссёрлар", алмойи-жалмоий қўшиқ айтандиган "хонанда"ларнинг "ижод маҳсуллари" эгаллаганидан қаттиқ ўксинади.

Бобомиз уларни кўрмайди. Халқ тобора маънавий қашшоқликка ботаётганидан ташвиш чекади. Бобомизга бу оғир ботади. "Отамдан қолган далалар"ни эмас, "хўрланган", "зўрланган" деган сифатлар билан бошланадиган фильмларни ёшлар роҳатланиб, тўлқинланиб кўраётганидан оғринади. Кечадан бери ёнмаётган чироқ йўқлигидан шам ёруғида дарс қилиб ўтирган набирасига боқади. Набирасининг пешонасини силайди. — Болам, сен ўқишинг керак! Бобомиз бошқа сўз айтмайди. Набираси ўй совуқлигидан қунашганча бош иргайди. Бобомизнинг бир кўнгли бошқарилиши кутади. Хона тўридаги гиламга осилган суратга боқади. Суратдаги отасини хотирлайди.

— Эҳ, отам! Дийдори қиёматга қолган отам! "Отамдан қолган далалар"ни бермаепти, отам. Деҳқонқул сиз-ку, отам! Меҳнат қила-қила совуқ ўлкаларга сурган қилган отам. "Пахта иши" деб сизни биздан айирдилар. Бобомизни аччиқ ўтмиши бор. Отасини "пора бергансан" деб ўн йил қамашади. Отасини совуқ ўлкаларга сургун қилишади. Ўша ерда сурункали хасталиқдан вафот этади. Бобомизга отасини кўмиш насиб этмайди. Отаси Деҳқонқулнинг орзуларидек далаларига қайтиб кела олмади. Фарзандлари бағрида жони узилмади. Бепоев ўрмон ичидаги қабристон унинг сўнги манзили бўлди.

Ушбу мақола Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Муроднинг эларо машҳур бўлган ва ўзига-да хос бўлган услубида ёзилди. Бу адибга бўлган бир эҳтиром белгисидир. Шу боис тўғри тушунишларини сўрайман. МУАЛЛИФ.



Бобомиз шундан қуяди. Отасини ўз қўли билан тупроққа топширмаганидан ичи оғринади. Армони шу бўлади. Бу армон унга йиллар давомида симиллаб азоб бераверади. Аммо бобомиз "Отамдан қолган далалар"ни ўқиб, фильмни кўриб, унда отаси тирилиб келгандек бўлади. Деҳқонқулда отасини кўради. Деҳқонқул билан йиғлаб, қувонади. Азоб беришганда юз чандон оғирроқ ўзи ҳам азоб чекади. Деҳқонқулда отасини тақдирини тақдорланмаслигини, ҳалол меҳнат қилган далаларига қайтиб келишини истайди. Шу истак унга китобни қайта-қайта мутолаага, фильмни томоша қилишига сабаб бўлаверади.

"Отамдан қолган далалар" шундай ажойиб фильм бўлади. Буни бугунги ақсарият ёшлар билмайди. Фильм туғул романдан ҳам бебаҳра бўлиб ўсади. Момомиз "Қўлингиди матоҳ(телефон)ингдан ортиб, китобни ўқи, кинони кўр" деб ёзгиради. Шухрат Аббосов айтганиди: "Бухорода ўтказилган кино кунларида ҳаво 20 даража совуқ эди. Залда тумонат одам. Мен қалин кийим олган бўлсам-да, музлаб қолаганимдан совуқда ўн дақиқа ҳам ўтиролмадим. Ҳаттоки, кичкина болаларгача тўрт соатлик кинони охиригача кўрди, ҳеч ким залдан чиқиб кетмади. Бунга сабаб нима эди? Томошабинни қандай жозоба тўрт соатлик кинони кўришга мажбур этди? Ахир "Отамдан қолган далалар" фильми Америка киноларига ўхшаб детектив бўлмас, ёки Мексика сериалларига ўхшаб бир шмоқ билан томошабинни алдаб ўтирмас... Йўқ! Томошабинни фильм охиригача ўтиришга мажбур этган сабаб — экранда аёвсиз, ҳаққоний ҳаёт кечмоқда эди".

Бобомиз қадқоқ босган қўллари билан тоқчада турган китобни олади. Шам ёруғида китобни аста варақлайди. Киносини беришмаганига яраша китобини ўқийман дейди. Кўзда ёш билан ўқилаверганидан саргайиб, титилиб кетган китоб унинг дардларига шерик бўлади. Чироқ ёнган, телевизорда "Отамдан қолган далалар"ни берармикин деб кутади. Кута-кута кунни адо қилади. Эртаси ҳам шу ҳолат тақрорланаверади. Аммо бобомиз умид қилаверади.

Умид охирида ўлади. Бобомиз оиласи ва отасини кўриш учун умид қилаверади. Бу ҳодисалар бобомизни юрагига нашта қаб ботса-да, барибир кўргиси келаверади. Чунки унда ҳақиқат бор! Аччиқ бўлса-да ҳақиқат! Тунов кун бобомиз аниқ бир умидли гапни айтиб қолди. Кўзда ёш, севиниб-севиниб гапирди. Юртбоши элга эркинлик берди, 4 йилдирки халқ эмин-эркин бўлди. Мана, 20 йил қўйилмаган "Шайтанат" деган кино қўйилди-ку. Энди "Отамдан қолган далалар" ҳам чиқади. Қурасан, албатта қўйилади. Мен бунга ишонаман, болам деди. Мана шундай гаплар-да, дўстим!

Шерзод МАҲМУДОВ, журналист.

ЖАҲОНДА НИМА ГАП?

КРЕМЛЬ ҒАРБИ ТИНГЛАМОҚЧИ ЭМАС!
Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров швед ҳаммаси, ЕХҲТ(Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти)нинг амалдаги раиси Анн Линдени Алексей Навальний иши атрофидаги вазиятни холис муҳокама қилиш учун чақирди.
"Биз ушбу масалаларнинг барчасини ҳалол, очиқ, ҳеч қандай хуружсиз муҳокама қилмоқчимиз, чунки қўшнилари сифатида яхши муносабатлардан манфаатдор бўлишимиз керак. Бундан ташқари, мамлакатларимиз халқлари, айниқса, чегараолди ҳудудлари аҳолиси бунга ҳаётий қизиқиш билдирмоқда" — дея таъкидлади дипломат Швеция ташқи ишлар вазири билан музокараларни очиб.
Лавров, Швеция ҳарбий лабораторияси Навальнийни Новичок гуруҳи моддаси билан заҳарланган деган хулосага асосланиб, Стокгольмни Москва талабига жавоб бермаганини эслатди.
Сергей Лавровнинг сўзларига кўра, уларнинг асосий мақсади жаҳон афкор оммасининг инқироздан эътиборини жалғитишдир. Шу билан бирга, Россия президентининг матбуот котиби Дмитрий Песков Кремль Ғарб давлатларининг Навальнийнинг ҳибсга олиниши ҳақидаги баёнотларини тинглаш ниятида эмаслигини таъкидлади.



ТУРКИЯ КОНСТИТУЦИЯСИДА ЯНА ЎЗГАРТИРИШ
Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоган мамлакат конституциясини ўзгартиришга руҳсат берди. Унга кўра, яқин келажақда янги ҳужжат ишлаб чиқиши мумкин, деб хабар бермоқда Анадоли агентлиги.
"Эҳтимом, Туркия учун янги конституцияни яна муҳокама қилиш вақти келди", деди у. Унинг сўзларига кўра, ҳужжат устида ишлаш шаффоф бўлиши керак ва яқиний матн одамларнинг маъқуллаши учун тақдим этилиши лозим.
2017 йилда Туркияда конституцияга ўзгартиришлар киритиш буйича референдум ўтказилган. Мамлакат фуқаролари асосий Қонуннинг 18-моддасига ўзгартиришлар киритишга қарор қилдилар. Бу бош вазир лавозимини бекор қилиш ва президентга вице-президентлар, вазирлар ва юқори лавозимли амалдорларни мустақил равишда тайинлаш ҳуқуқини берувчи ўзгартиришлардир. Давлат раҳбари фавқулодда ҳолат эълон қилиш ва фақат парламентдаги мутлақ кўпчилик овоз билан бекор қилиниши мумкин бўлган фармонлар чиқариш ҳуқуқини олди.



2020 ЙИЛДА 220 МИЛЛАРД "МАСКА" ЭКСПОРТИ
Хитой 2020 йилда дунёнинг 200 дан зиёд мамлакатига 220 миллиарддан ортиқ тиббий ниқоб экспорт қилган. Хабарда айтилишича, яна 2,3 миллиард химоя кийими ҳамда тестлар учун 1 миллиард реактивлар ҳам четга сотилган.



Айтишларича, Хитой эпидемияга қарши воситаларни етказиб берувчи энг йirik давлат сифатидаги мақомини фаол ривожлантириб борапти.
2020 йилда ХХР иқтисодиёти 2,3 фоиз ўсди. Иқтисодий юксалишда охириги тўрт йилда энг кам кўрсаткич қайд этилган бўлса-да, бу йилги коронавирус пандемияси пайтида ижобий натижага эришган ягона йirik давлатга айланди.
Масалан, утган йили АҚШда ЯИМ ҳажми 3,5 фоиз тушиб кетди. Бу 1946 йилдан бери кузатишган энг йirik пасайишдир. Россияда эса бу миқдор 4 фоизни ташкил этди.

"GENERAL MOTORS" БЕНЗИННИ БЕКОР ҚИЛМОҚЧИ

2035 ЙИЛДА ФАҚАТ ЭЛЕКТРОМОБИЛ АВТОМАШИНАЛАР БЎЛАДИМИ?
АҚШнинг энг йirik автомобилсозлик компанияси "General Motors" электромобилларга тўлиқ эътибор қаратиш учун 2035 йилгача бензинли машиналар ишлаб чиқаришдан бутунлай воз кечмоқчи.
Яқин келажақда компания янги йўналиш рентабеллигига эришмоқчи. Раҳбарият, технологик муаммоларга қарамай, муаммони ҳал қила олишига ишонди. Эслатиб ўтамиз, утган йилнинг охирида "General Motors" 2025 йилга қадар 30 та янги электромобил моделларини чиқаришни режалаштиргани маълум бўлди. Ишлаб чиқаришга 27 миллиард доллар сарф қилиниши кутилмоқда.



ТИНЧЛИК БЎЙИЧА НОБЕЛЬ МУКОФОТИГА КИМ ЛОЙИҚ?

ТРАМПИ ЁКИ ТИХАНОВСКАЯ?
Эстониянинг Европарламентда депутатси Яак Мадисон АҚШ собиқ президенти Дональд Трамп номзодини тинчлик бўйича Нобель мукофотига кўрсатмоқчи.
Эстония Консерватив халқ партияси вакили бўлган сиёсатчи ўз таклифига изоҳ бера экан, Трамп сўнги 30 йил давомида давлат раҳбари сифатида уруш бошлаганидан ягона президент эканини таъкидлади.
"Унинг раҳбарлигида Яқин Шарқда минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ёрдам берувчи бир қатор тинчлик битимлари имзоланди. Қўрама, тинчлик бўйича Нобель мукофотини ким олади?", — деб ёзди Мадисон "Facebook"даги саҳифасида.
Шунингдек, Литва президенти Гитанас Науседа белоруслик собиқ президентликка номзод Светлана Тихановская номзодини илгари сурган. Тинчлик бўйича Нобель мукофоти 1901 йилдан буён ҳар йили Осло шаҳрида топириб келинади. Бу йил Тинчлик бўйича ушбу мукофотни ким олиши ҳаммага қизиқ: Трампми ёки Тихановская?



ДЕРАЗДАН УЛОҚТИРИЛГАН БОШ

Франциянинг Тулон шаҳрида одамнинг боши кесилган қўли деразадан кўчага ташланган. Полиция топилма ҳудудда махсус операция ўтказди ва гумонланувчиси ҳибсга олди.
Утганлар деразада бир одамни кўрдилар — унинг қўллари қонга бўялган эди. Маълум бўлишича, боши улоқтирилган хондон эгаси икки уйис одамга бошлана берган, боши улардан бирига тегишли бўлган.
Полиция махсус амалиёт ўтказётган ҳудудни вақтинча ёпди. Утган йилнинг кузига шов-шувли қотиллик Францияни ларзага келтирганди. 18 ёшли чечен Абдулах Анзоров 16 октябрь кун кечқурун Париж чеккасида коллежи томоша қилди ва ўқитувчи Самуел Патини ўлдирганди. Қотилликка Мухаммад пайгамбарнинг қарикатуралари намойиши сабаб бўлган.
Лекин навбатдаги бу қотиллик тафсилотлари ҳозирча маълум эмас.



ЭЪЛОН
Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, 84-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Шароф Шерзод Валиевичга 2020-2021 ўқув йилида берилган №5202488-рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мажридий уйгонийш тимсоли



1 УЛУҒ ШОИРГА ЭЪЗОЗУ ЭХТИРОМ

Алишер Навоийнинг ўзбек тилидаги шеърли мероси, асосан, “**Ҳазойин ул-маоний**” девонига жамланган. Асар тўрт қисмдан иборат: биринчи қисми — “**Ғаройиб ус-сиғар**” (“Болалик ғаройиботлари”); иккинчи қисми — “**Наводир уш-ша-боб**” (“Йигитлик нодиротлари”); учинчи қисми — “**Бадоеъ ул-васат**” (“Урта ёш бадиалари”); тўртинчи қисми — “**Фавойид ул-кибор**” (“Кексалик фойдалари”) деб номланган.

Бу девонларнинг ҳар бирида 650 тадан 2600 ғазал, умуман, “**Чордево**н”да жами 210 китба, 133 рубойи, 86 фард, 52 муаммо, 13 туюқ, 10 мухаммас, 10 қиснон, 5 мусаммас, 4 таржеъбанд, 4 муста-зод, 1 мусамман, 1 таркиббанд, 1 қасида, 1 маснавий ва 1 соқийнома мавжуд. Яъни, Шарқ шеърятининг 16 тури унда намоеъ бўлган. Ана шу назмий жаҳоирларнинг мазмун-мундарижасини мух-тарар изохлайдиган бўлсақ, ўзбек шеър-иятида инсон дарди ва ҳасратларини, ёр, дўст ва Оллоҳга муҳаббат тароналарини Навоий ҳазратларидан ўтказиб ифода-лаган шоирни топиш қийин.

Улуғ шоир ижодининг шох асари — “**Хамса**” беш достондан иборат. Форс адабиётидаги ҳамсачиликка жавоб сифатида ўзбек тилида биринчи мартаба яратилган бу бешлик улкан ҳажм — **52 минг мисрани ташкил этади**. Навоийнинг “Хамса”си, бир томондан, она тили-нинг чексиз имкониятларининг амалдаги исботи бўлса, иккинчи томондан, XV аср ислом тафаккурининг борлиқ ва табиат, инсон ва жамият, ахлоқ ва камолот, ада-биёт ва фикр ҳақидаги ўзига хос қомуси-дир.

Алишер Навоий форсий тилда ҳам ижод қилиб, баракали мерос яратган. Ушбу тилдаги шеърлари “**Девони Фоний**” номи билан машҳур. Устоз ўзининг форсий қасидаларидан алоҳида тўплам-лар ҳам тузган бўлиб, уларнинг бири “**Ситта зарурия**” (“Олти зарурий қаси-да”), иккинчиси “**Фусули арбаъ**” (“Тўрт фасл”) деб аталади.

Навоийнинг насрий асарларини муту-лаа қилиш асносида ҳам, у зот ўз фикр-ларининг баъзиларини шеър билан, ху-сусан, рубойи шаклида баён қилганига гувоҳ бўламиз. Бу ҳол, албатта, улуғ шоир қайси масалага қўл урмасин, ўзини шеърятдан ҳеч узоқ тутмаганини, доимо шеърят билан насаф олганини мухлис-ларига ҳамшира еслаб туради.

“**Лисон ут-тайр**” асарини инглиз тили-га ўйрган таржимон Гарри Дик таъ-бири билан айтганда, “**Илоҳий ишқ завқини туйган кишилар қалбда жам-ият фаровонлиги учун наф келти-риш истаги барқ урган бўлади. Мен Шарқ адабиётида топган, руҳонияти буюк шоирлардан бири Алишер Наво-ийдир**”. (Қаранг: “**Ўзбекистон адабиёти ва санъати**”, 2013 йил, 8 февраль).

Гарри Дикнинг мана бу ҳолис хулосаси янада эътиборли: “**Ҳар қандай қим-матбаҳо жавоҳир эҳтиёткорликни ва эътиборни талаб этади. Навоий ўз хазинаси билан бу дунёнинг ман-тиқсизликлари ва чалқашликларини бартафад этишга ёрдамлашади. У биз бундай шоирга муҳтожмиз, у эса бизга қумак беради**”. Бу иқтисод улуғ аждодимизнинг атиги битта асарини шу яқин даврда ўз тилига ўйрган Ғарб зиё-лиси жўшқин қалбининг изҳоридир.

Ўз навбатида, Алишер Навоий ижо-дийетида кизиқиш, буюк аждодимизнинг асарларини ўрганиш нафақат Шарқда, балки Ғарбда, Европа мамлакатларида ўзининг катта тарихига эга экани биз, во-рисларга чексиз гурур бағишлаши бил-ан бир қаторда, улкан масъулият ҳам юклайди, албатта.

Шу нуқтаи назардан, муस्ताқиллик ту-файли мамлакатимизда Алишер Навоий меросини ўрганишимиз кенг уфқлари очилгани айтиш мудоао бўлди. Истиқлол арафасидаёқ, яъни 1991 йилда На-воий таваллудининг 550 йиллиги юр-тимизда тантанали нишонланди. Тошкент шаҳрида **Алишер Навоий номидаги Ўз-**

бекстон Миллий боғи барпо этилди ва боғ ўртасида шоирнинг салобатли ҳай-кали қад қўтарди. **Алишер Навоий но-мидаги Ўзбекистон Республикаси Дав-лат мукофоти** таъсис этилди.

Пойтахтимиздаги муҳташам “Маъ-рифат маркази”да жойлашган Миллий кутубхона, шунингдек, Катта академик опера ва балет театри, Санъат саройи, Адабиёт музейи, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт инсти-туту, Самарқанд давлат университети, Тошкентдаги шоҳқўча ва метро бекати, бошқа ўнлаб кўча ва хиёбонлар, битта вилоят ва шаҳар **буюк бобокалонимиз номи билан аталган**.

Кейинги йилларда **Алишер Навоий-нинг 10 ва 20 йиллиги мукамал асар-лар тўпламлари нашр этилди**.

Юртимизда, жумладан, шоир туғилган кутлуг 9 февраль санасини ҳар йили ада-биёт ва маърифат байрами сифатида юксак даражада нишонлаш анъанаси қар-ор топди.

Кейинги 4 йилда **Алишер Навоий но-мидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилди**. Мамлакатимиз ва бир қатор хо-рижий давлатларда Ҳазрат хотирасига ёдгорликлар ўрнатилди, ул зотнинг асар-лар тўплами тўлиқ нашрдан чиқарилди. Пойтахтимиз марказидаги улуғ бобо-имоний музаам мезморий ёдгорлигига мутаносиб равишда **Адиблар хиёбони** барпо этилди. Ушбу хайрли амалларнинг барчаси, ҳақиқатан ҳам, маънавий ва ма-даний ҳаётимизда улкан воқеаларга ай-ланди.

Президентимизнинг қарори эса бу бо-радаги эзгу ишларни тубдан янги, янада юксак босқичга қўтаришга қаратилди. Нега деганда, мамлакатимиз “**Мил-лий тикланишдан — миллий юксалиш сари**” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғоний даври — Учинчи Ренессанс пойдеворини ярат-ётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

МУТАФАККИР МЕРОСИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР ТАШАББУСЛАРНИНГ МОҲИЯТИ НИМАДА?

Бинобарин, янги Ўзбекистон билан боғлиқ янги давр воқеяли Алишер На-воийнинг халқимиз ва жаҳон маданияти, илм-фани ривожига қўшган улкан ҳисса-сини янада кенг тарғиб этиш, бунда мус-тақиллик шарофати билан **Навоий био-библиографиясини тўлиқ ўрганиш** ва ҳақиқий таржимаи ҳолини яратиш, ул зотнинг ижоди ва маънавий меросини ас-лича, моҳиятини теран тушушган ҳолда татқиқ этиш борасида юзага келган им-кониятлардан ишчи ва самарали фойда-ланишни тақозо этмоқда.

Президентимизнинг яна бир муҳим та-шаббуси — **Алишер Навоий ордени**ни таъсис этишдир. Бу шарафли гоя Али-шер Навоий асарларида теран ифода топган миллий ва умуминсоний гоялар-нинг жаҳон тамаддунида тутган ўрнини ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ин-теллектуал салоҳиятини ошириш, улар қалбда юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялашдаги беқиёс аҳамиятини на-зарда тутиб, шунингдек, улуғ шоир ва му-тафаккирнинг адабий-илмий меросини мамлакатимизда ва халқаро миқёсда янада чуқур татқиқ қилиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида қаратилгани билан улкан аҳамиятга молик.

Ушбу юксак мукофот билан Алишер Навоийнинг ижодий меросини чуқур ўр-ганиш ва оммалаштиришга улкан ҳисса қўшган мамлакатимиз ва хорижий дав-латлар фуқаролари ҳамда илмий-ижо-дий муассасалари тақдирланади.

ДАВЛАТ РАҲБАРИ ИЛГАРИ СУРГАН АНА ШУ ТАШАББУСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ НИМАДА?

Биринчидан, бундай янгича амал-лий қадамлар маънавиятимиз юксали-ши, кўхна тарихимиз тикланиши, Али-шер Навоий ҳамда ўз ҳаёти ва ижоди билан Шарқ халқлари маданиятини яқинлаштирган бошқа ўнлаб аллома-

лар, шоир ва мутафаккирларнинг бой ил-мий-адабий меросини ўрганиш, улар қол-дирган ноёб китоб ва қулъэма асарларни дунёнинг турли тилларига таржима қи-лиш, нашр этиш, оммалаштириш билан боғлиқ ташаббусларни қўллаб-қувват-лаш, бу бой моддий-маънавий меросни халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилдириш мақсадларини рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутди.

Иккинчидан, хорижий мамлакатлар кутубхоналари, музейлари ва фондла-ридан Алишер Навоий маънавий мероси-ни излаб топиш юзасидан илмий-қи-дирув ишларини олиб бориш, хорижий мамлакатларда Алишер Навоий ҳақида чоп этилган китобларни ўзбек тилига таржима қилиб нашр этиш, ўзбекистон-лик муаллифларнинг шу мавзудаги асарларини мамлакат ва дунё миқё-сида оммалаштириш ишларини рағбат-лантиради.

Учинчидан, Алишер Навоий халқим-из маънавий дунёсининг шакллани-шига гоъят кучли ва самарали таъсир қўр-саган улуғ зотлардан бири экани, ул зот-нинг муътабар номи, ижодий меросининг боқийлиги, бадиий даҳоси замон ва ма-қон чегараларини билмаслиги ҳақидаги асл ҳақиқатларни кенг оммага етказишга, аҳолини, айниқса, ёш авлодни Ўзбекис-тоннинг шонли тарихи, саодатли бугуни ва ёруғ келажиги учун гурур-ифтихор, шукроналик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган маънавий-маъ-рифий тадбирларни амалга ошириш им-кониятларини тубдан кенгайтиради.

Тўртинчидан, Алишер Навоий ҳақида бадиий, ҳужжатли фильмлар ва те-лефильмлар яратиш, Марказий Осиё халқлари тарихи ва маданиятига оид қўлёзмаларни чоп этиш, оммавий ахбор-рот воситаларида чиқишлар уюштириш, адабиёт ва санъат фестиваллари, шунингдек миллий концерт дастурларини ўтказиш учун янги ҳамда қулай майдонни юзага келтиради.

Бешинчидан, бир томондан, турли мамлакатлар ўртасида зиёлилар, мута-хассислар, талаба ва ўқувчилардан ту-зилган махсус туристик гуруҳлар алма-шувини жорий қилиш, иккинчи томондан, иқтисодий ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантириш учун Алишер Навоий, унинг асарлари қаҳрамонлари номлари билан стипендия ва мукофотлар таъсис этиш учун қулай шароитлар яратида.

НАВОИЙ ВА МАЪНАВИЯТ

Президент Шавкат Мирзиёев маъна-вий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳажорли-гини кучайтириш масалалари бўйича 19 январь кунги ўтказилган видеоселектор йиғилишида қуйиби айтганидек, “**бугунги кунда дунёнинг жуда кўп мин-тақаларида инсоний қадриятлар емиршмоқда. Айниқса, пандемия ша-роитида айрим ўлкаларда бегоқат-лик, тажовузкорлик қайфиятлари кучайиб бормоқда. Мана шундай кес-кин вазиятда, улуғ мутафаккирлар айтганидек, дунёни эзгулик, меҳр-шафқат, инсонийлик кутқаради**”.

Юртбошимизнинг шу сўзларини тинг-лар эканман, Иккинчи жаҳон уруши дав-рида, яъни 80 йил аввал 1941 йил 10-12 декабрь кунлари қамалда қолган **Ленинград** — (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрида, **бомбарлар портлаб турган бир шароитда Эрмитаж ертўласида улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг 500 йиллиги ни-шонлангани**га доир тарихий ва фавку-лодда воқеа ёдимга тушди.

Ушанда Нева бўйидаги шаҳар аҳо-лиси очлик ва совуқдан қирилиб кетаёт-ган бир вақтда Навоийнинг бой ва боқий меросини ўрганишга бағишланган тан-танали анжуманда иштирок этиш учун уруш жангоҳларидан, шаҳар атрофи-даги блиндажлардан шарқшунос олим-лар, Навоий асарларини таржима қилган шоир ва ёзувчилар — жами қирққа яқин жасоратли зиёли сафарбар этилган.

Шу маънода, мамлакатимизда бошқа долзарб ижтимоий-иқтисодий масала-лар мавжудлигидан қатъи назар, қола-

верса, ҳозирги коронавирус пандемияси шароитини ҳисобга олган ҳолда, Алишер Навоийнинг 580 йиллигини муносиб ни-шонлаш учун қарийб тўрт ойдан буён қизгин тайёргарлик ишлари олиб бо-рилаётгани диққатга лойиқдир. Янада муҳими, Президентимизнинг бу борадаги қарори билан кенг жамоатчилигимизнинг истак-хоҳиши ифодаси ўзаро уйғун ва муштарак экани яққол намоеъ бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Алишер Навоий жаҳон бадиий тафаккури тарихида ўз ўрни ва мақомига эга ижод-кор бўлиб, дунё бадиият хазинасига қўш-ган шох асарлари унинг беқиёс сўз санъ-аткори, буюк файласуф ва олимлигидан яққол далолатдир. Хусусан, танқилги **на-воийшуно олим Шухрат Сирожиiddи-нов** Навоий асарларида инсон маъна-вий-ахлоқий камолоти гоёси етакчи экани-га эътибор қаратар экан, “**одамийлик, бағрикенглик, эзгулик эса шоир фал-сафасининг асосини ташкил этади**”, дея таъкидлайди.

Тарихдан биламизки, Алишер Навоий халқни мадрасалар қуриш, ариқлар қа-зиш, хайру эҳсон қилиш каби эзгу ишлар атрофида бирлаштирган. Навоий ҳазрат-ларининг том маънода халқларвар шох бўлгани, унинг ўлмас гоёлари бугунги кунларимиз учун ҳам бағоят ҳамоҳанг ва ибратли экани, айниқса, аҳамиятлидир.

Буюк бобокалонимиз катта ер-мулк эгаси бўлиб, кейинчалик (1481 йилда) ўзининг бор мол-дунёсидан воз кечади ва хайрия, яъни вақф мулкни ташкил қилади. Ҳиротда Навоийнинг шахсий та-шаббуси ва маблаг билан **Халосия, Шифоия, Низомия** каби бир неча мадр-раса ва хонақоҳ қурилиб, уларда машҳур олимлар дарс бериш ва илм билан шуғулланган.

Эътиборли жиҳати шундаки, Навоий раҳнамолик қилган Ҳирот адабий муҳи-тининг ривож учун султоннинг ўзи катта шароит ва қулайликлар яратиб берган. Натжидада бу даврда риёвӣт, илми ну-жум, ҳандаса, мантиқ, фикр, ислом на-зарияси ва бошқа соҳаларга оид кўплаб асарлар яратилган.

Шу тарика Алишер Навоийнинг номи етти иқлим фозиллари ва санъаткорлари ҳомиysi сифатида доғрув топган.

НАВОИЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛИ

Ўзбекистон Президенти бугунги му-раққаб ва таҳликали ҳаёт олдимизга қўяётган вазифалардан келиб чиқиб, бир қатор долзарб масалаларни ҳал этишга эътиборни қаратди. Шу устувор вазифа-лардан бири — **ўзбек тилининг давлат тили мақомини амалда кучайтиришдир**.

Утган йили биринчи марта Ўзбек тили байрамини юртимизда кенг нишонла-ди. Қўшни Афғонистон ва бошқа давлат-ларда ушбу байрамга бағишланган катта анжуманлар ўтказилди. Юртбошимиз энди бу ишларни изчил давом эттириш, она тилимиз тарғиботи билан жиддий шуғулланишимиз зарурлигини таъкид-лади. Хусусан, хорижда ва юртимизда **ўзбек тилини ўрганиш бўйича замона-вий технологияларни ишлаб чиқиш зар-ур**.

Бунда она тилига муҳаббат, уни улуғлаш, беқиёс бойлиги ва буюкли-гини англаш туйғуси ҳам онгу тафакку-римизга, юрагимизга, аввало, Навоий асарлари билан кириб келгани бизга ниҳоятда қўл келиши. Зотан, ҳатто Соҳибқирон Амр Темур саройида тур-кий тилни давлат тили даражасига олиб чиқиш ишлари охирига етказилмади қол-ган бир шароитда **Алишер Навоий ўз олдида ўзбек тили мақомини тиклаш мақсадини қўйган том маънода Ҳаз-рат Навоий адабий ўзбек тилининг асосчисидир**.

Улуғ аждодимиз бу эзгу мақсадида эришди — бутун мамлакатни яққалам, яъни бир тилли қилди. Семимли шоири-сиз **Абдулла Ориповнинг** машҳур “**Ўз-бекистон**” қасидасида эътироф этилган-дирек: “**Темур тиги етмаган жойни Қалам билан олди Алишер**”.

Ақмал САИДОВ,
академик.

ЭРКИНЛИК КИМ ЛОЙИҚ?

1 Иш вақти — бу одамнинг иш графиги ёки меҳнат инти-зоми доирасида зиммасига юклатилган вазифаларни бажари-ш учун ишхонада ўтказган вақтидир. Иш куну тушунчаси вақт чегарасини билдиради ва бу пайтда ходим сабабсиз иш жойидан ажралмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 115-моддасига кўра, ходим учун иш вақтининг нормал мuddати ҳафтасига 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Олти кунлик иш ҳафтасида ходимнинг меҳнат жараёни 7 соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса 8 соатдан ошмас-лиги лозим...

Инсон қайси соҳада ишласа, у ўша касбини севади. Ишини яхши кўр-ган одам асло меҳнат қилмайди, шунчаки семимли машғулот билан шуғулланади. Қилаётган ишинингиздан завқ олмаёйсизми, ишхонага ке-либ-кейтиш учун ҳайдовчи, махсус хизмат машинаси, қўйинчи, қандай теъжорар транспорт берилган бўлмасин, у ерга оёвнингиз тортмайди. Ҳафта бошида яшанбани, эрталаб бўлса иш вақти тугаганини кутасиз, лаҳза санаб умрингиз ўтади.

Ҳоҳида кечаси ярим тунда ҳам бир қанча расмий идора, ҳоқимлик, вазирликларнинг хона чироғи ёнган ҳолда, ходимлар “сермаланиб” юр-гани, қоғоз-қалам ва ҳужжатларни кўтариб у эшикдан бу эшикка бош суқаётганини кўрасиз. Меҳнат кодексининг 125-моддасига мувофиқ, иш берувчи ҳар бир ходимнинг ишлаган иш вақтини, жумладан, иш вақти-дан ташқари ишлаган вақтини ҳам аниқ ҳисобга олиб бориши шарт. Бу одамларнинг раҳбари қонунда кўзда тутилган тартибга амал қилади-ми-йўқми, менга қоронги.

Қайсидир чет эл нашрида Ўзбекистонда давлат хизматчилари ку-нига 15 соатдан ва дам олиш кунисиз ишлашаётгани, натижада уларда чарчоқ ва стресс кучлилиги, ўзбек амалдорлари учрашувлар пайтида ухлаб қолишлари ҳақидаги мақолага кўзим тушганди. Ахир, ходимлар робот эмас, одам-ку, нега ишдан ўз вақтида, яъни соат 18:00 да кетсанг, қамида бошинг балого қолиши, ҳайфсан олишинг ёки ишдан ҳайдали-шинг керак?

Одам меҳнатига яраша маош олмаса, олаётган маошига яраша меҳнат қила бошлайди, деган гап бор. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш Меҳнат кодексининг 123-моддасига кўра амалга оширилади. Шундан келиб чиқиб, ходимни саккиз соатдан ортиқ ишлатиш мумкин эмас. Бу меҳнатга мажбурлаш ҳисобланади ва айбдор шахслар маъму-рий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига асосан жавобгарликка тортилади.

Иш ҳажмининг ортинги ёки муҳим топшириқлар ижросини чекир-тириб бўлмаслигини инобатга олиб, иш берувчи асосий иш вақтидан ташқари қўшимча иш вақтида ҳам ходимнинг розилиги билан уни ишга жалб қилиши мумкин. Бунда ходимга қўшимча ишлаган иш вақти учун икки ҳисса иш ҳақи тўланади. Бу вақт қонун ҳужжатларига мувофиқ йи-лга 120 соатдан ошмаслиги керак.

Бу борада истисно ҳолатлар ҳам мавжуд. Масалан, ички ишлар хо-дими оиласи билан сайр қилиб юрганида, кўз ўнгига жияноят содир эти-лаётган бўлса, менинг иш вақтим тугаган, дея кўз юмиб кетолмайди. Ёки шифокорни олинг. Иш вақти тугагани учун кимдир ўлим билан ку-рашаётганини кўрса, уни эътиборсиз ташлаб кетиши нафақат қонунга, балки инсонийликка ҳам зиддир. Жумладан, матбуот ходимларини ҳам газета чиқадиган(верстка) куну соат 18:00 бўлди, дея иш энди авжига чиққан пайтда тахириятани ташлаб, айта кетишини ақлга сиғдириб бўлмайди. Журналистлар куну-тун англик ахтарари, жойларга бориб, суриштирувлар ўтказди. Маълумотларни тўплаб бўлганидан сўнг, ке-рак бўлса, уйда ҳам чала қолган ишини давом эттиради. Ҳўкутувчи-лар ҳам худди шундай. Ҳамиша кейинги дарсда мавзуну қай тарика қи-зиқарли ўтиш ҳақида бош қотириб юрарди...

Меҳнат кодексининг 118-моддасига мувофиқ, юқори даражадаги ҳис-ҳаяжон, ақлий ўзриқлиш, одам таңглиги билан боғлиқ, яъни алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги айрим тоифа вакиллари учун иш вақтининг мuddати ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайди қилиб белгила-ниши керак, назаримизда.



Аслида, ходимни ортиқча ишлатиш унинг маънавий ва жисмоний ҳаққини ўғирлаш билан бирга иш самарадорлиги пайсаяишига ҳам сабаб бўлади. Ҳаддан ташқари кўп ишлаш кадрлар сифати ва иш унумдорли-гига жиддий путур етказиши, иш вақтидан ташқари ортиқча сарфла-наётган ресурслар давлатга зарар келтиради. Шунинг учун Германия-да дастлаб XX асрнинг бошларида Зейф фабрикаларида 8 соатлик иш режимига ўтилган. Францияда эса 1836 йилда 40 соатлик иш ҳафтаси тўғрисидаги илк қонун ҳужжати тайёрланган. Россияда 8 соатлик иш куну 1917 йилда Октябрь инқилобидан кейин жорий этилган. Бу дав-латлар фуқаролари 8 соат иш, 8 соат уйку ва 8 соат дам олиш та-моийли асосида меҳнат қилади.

Ривожланган мамлакатларда одамлар ҳафтасига 40 соат ишлади. Улар учун бу одатий ҳолдир. Агар иш берувчи ундан 50 соат ишлашини сўраса, ходим келгуси ҳафтада 30 соат, яъни одатдагидан 10 соат кам ишлашга ҳаққи бор.

Бизда эса, қўл ҳолларда, оталар кун бўйи ишди, ҳатто дам олиш кунлари ҳам фарзанднинг тарбияси билан шуғулланиш олмайдди. На-тижада ёшларнинг ўқиши, маънавияти, савияси пасайиб кетди, дея айюҳаннос солиб юверамиз. Болаларимиз яқинларидан кўрмаган эътиборни виртуал оламдан излайди ва аксарияти турли оқимларга кў-шилиб кетмаслигига ҳам ҳеч қим жавоб беролмайди. Жамиятга бир на-зар солинг, ажримлар сон кун сайин кўпаймоқда, жиёнат оддий ҳол бўлиб қолди, оилаларда тушунмовчилик, уруш-жанжаллар сон ҳам ортиб кетган... Чунки оила бошлиғи кун бўйи ишди, яқинларига вақт ажрата олмади, унинг иши ҳамма нарсадан усту!

Дарвоқе, бир-икки йил аввал Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бу борада қатъий бир иш бошлаган эди. Яъни, вазирлик масъул ходимлари турли идора ва ташкилотларда иш вақтига қатъий амал қилишни назорат қила бошлаганди. Меҳнат ко-нунчилигига амал қилмаган идораларга чора қўрила бошлаганди ҳам. Биласизми, шунда аксарият давлат муассасалари меҳнат қонунчили-гига риоя этиш масаласида анча “тартиб”га келиб қолганди! Демак, барибир назорат керак экан-да!

Лекин нима бўлди-ю, меҳнат қонунчилигини муҳофаза қиладиган ва-зирлик ва унинг қўйи тузилмалари яна жим бўлиб кетишди. “Э, билган-ларингни қилинлар-ел”, дейишдимиз?

Аслида меҳнат ҳуқуқлари етарлики таъминланмаган жамиятнинг ри-вожланиши қийин. Уйлаб кўринг-чи, нега қўнчилик одамларимиз ойлик таътил(отпусқа)га **ДАМ ОЛИШГА ЭМАС**, балки **ДАВОЛАНИШ** учун чиқи-шади? Қачонгача уйқураиб, силлангиз қуриб юрасиз? Қачон ўз қадрин-гизни биласиз? Зеро, немис адаби Гете айтганидек, гўзал ҳаёт ва эр-кинликка ҳар куну улар учун курашувчи одамгина лойиқдир. Унутманг, ўзгариш учун хоҳиш керак, келаси дунданба ёки келаси ойнинг боши эмас.

Абдулазиз АХМЕДОВ.

“МЕН ЎЗИМНИ ЭРКИН ИНСОН ДЕБ БИЛАМАН”

Ўзбекистон халқ шоири Жамол КАМОЛ билан суҳбат



Суҳбатдошимиз ҳақида:
Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол — 1938 йил 26 апрелда Бухоро вилоятида туғилган. Шоирнинг ilk шеърӣ тўплами “Олам кирак юрагимга” 1968 йилда нашр этилган. “Ўққиларга ёғиди ёду” (1970), “Тош тугени” (1972), “Ҳасан ва ой” (1974), “Қўйи чамаси” (1975), “Қадаҳ” (1978), “Достонлар” (1980), “Сувайдо” (1982), “Ўмидли дунё” (1988) каби шеърӣ китоблари чоп этилган. Жамол Камол Буалонинг “Шеърӣ санъат” асарини, Бахтиёр Ваҳобзоданинг “Шабхўжрон” достонини, Маълано Жалолодин Румийнинг олти китобдан иборат “Маснавийи маънавий”, Шайх Фаридуддин Аттор, Абдурахмон Жомӣ, Шайх Маҳмуд Шабустарийнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Вильям Шекспирнинг ўндан ортиқ асарларини бевосита инглиз тилидан, Александр Пушкиннинг “Моцарт ва Сальери”, Ян Райннинг “Олтин тулпор”, Бартольд Брехтнинг “Сичуандан чиққан меҳрибон” асарларини рус тилидан ўзбек тилига ўзгарган. Шоирнинг шеърлари рус, инглиз, француз, поляк, украин, турк, озарбайжон, тожик ва бошқа қўллаб тилларга таржима қилинган.

Адабиёт инсон қалбига тутилган ғаройиб кўзгудир. Бу кўзгуда жамиятнинг фазилати ҳам, нуқсонни ҳам бирдек бўртиб кўзга ташланади. Бугун шоир-ёзувчи халқ жамият муаммоларига, халқимиз дарду ташвишларига ўз асарлари билан қай даражада аралаша оляпти? Ижодкорнинг олдидаги асосий масала яхши ёзишдир деган ички таомилга қандай амал қилинмоқда? Адабиётда ҳам, ҳаётда ҳам кўпни кўрган, ижоднинг ўнқир-чўнқирларини босиб ўтган ижодкорларимизнинг бугунги кун адабиёти, унинг келажаги ҳақидаги тўхтамлари нималардан иборат? Шу маънода биз оқсоқол ижодкорларимиздан Устоз — Жамол Камол билан суҳбатладик.

— Миллатнинг, жамиятнинг ривожда ижодкор аҳли борки, доим олдинги сафларда туришган. Немис шоири Гёте айтганидек, дунё дарз кетса, унинг чизиги шоирнинг юрагидан ўтади. Шу маънода шоир ёзувчининг жамият муаммоларига баъзан сездириб, баъзан сездирмай аралашувини қандай изоҳлайсиз?

— Ўйлаб қарасам, шу ҳақда бир саккизлик ёзган эканман: *Шоир бетоб ётар, бориб, кўринлар, Ҳалини сўринлар, чекмасин қайгу. Бир нафас бошида суҳбат қуринлар, Бир нафас жондан фориг бўлсин у.*

Жаҳоннинг жони деб аталган ҳаққа Ғаниллар ўқ узар кўрсатмай ўзини, Жаҳоннинг жонига отилган ўққа Шоир тугиб берди кўнжсини...

Ижодкорга Аллоҳнинг буюргани шу: ҳаққуйлик, ҳақиқатгўйлик... бировларга ёқадими, ёқмайдими, у табииатга содиқ қолади, ўз миссиясини бажаради. Биз қалам аҳлидиримизки, ҳаққуйлик, миллат севгили қонимизда, жонимизда. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида “миллатнинг кўргони”, “миллатнинг шарафи”, “миллатнинг хусни” деган мақолалар ёзганман. Яқинда уларга кўз югуртириб, кўнглим ёришди. Уларда жамият ривожини, миллат раванки қаламга олинган. Бир неча хулосалар бор. Битта хулоса шуки, шоир — кўнгли одами, у воқеа-ҳодисаларни, аввало, кўнгли билан қабул қилади, кейин ақли билан.

— Маълумки, бир пайтлар шоир ёки журналистнинг айтган сўзи мамлакатнинг барча ғўшаларида жаранглаб, акс-садо берган. Бугун эса унча-мунча гапларга парво қилмаслик анъанага айланган бораётгандек. Нима деб ўйлайсиз, сўзнинг ўзи қучсиланганми ёки қалам аҳлининг сўзи қучсиюми?

— Айтилаётган гапларга эътиборсизлик баъзан — пастдан тепагача, тепадан пастга... Масалан, китоб нашри ва савдоси ҳақида бир неча бор ёзиб, бирор натижа топмадим. Президентга ёзган хатимни Қўрай туман ҳокимиятига жўнатилди, яъни “футбол” қилишди.

— Бугун матбуотимизнинг муаммолари ҳам кам эмас. Масалан, “Мажбурий обуна”ни йўқ қилиш баҳонасида миллатимиз яхши, ўқилиш газета-журналлардан ҳам мусово бўлмоқда. Бу каби аҳволнинг, муносабатнинг

эртаси нақадар аянчли бўлмасин, кўпчилик томошабинга айланиб тургандек. Шу ҳақда фикрингиз...

— Сизнинг ёшлигингиздаги ўзбек адабиёти ва бугунги ўзбек адабиётининг муштарак ва номуштарак жиҳатлари ҳақида гапирсангиз...

— Муштарак жиҳати шуки, ҳамон сўз-ифода куралими ўша-ўша, севимли, жонажон ўзбек тили. Номуштарак жиҳати, фарқи ер билан осмонча. Ёшлигимиз адабиёти — бадиияти баланд, юксак савияли Ойбек, Гафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Миртемир ижоди демак. Кейин Асқад Мухтор, Одил Ёқубовлар авлоди келди, кейин Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовлар билан бирга бизнинг авлод... Ҳозирги адабиётни улар билан қиёс қилиб бўлмайди. Айниқса, шеърятда савия тушиб кетди. Мумтоз шеърятдан бебаҳра авлод пайдо бўлди. Шоир билан қофиябоз, аруз вази билан бармоқ вази, ҳарфий таржима билан адабий таржима фарқини биллишмайди. Арзимаган гапни қофияга солиб, шеър қилиб айтишга уриниш одат тусини олди. Бир сўз билан айтганда, майдакашлик...



КЕЧИНМА

Қоронгу туша бошласа хаёлим қочади, турли ўйлар гирдобда қоламан. Аммо болаларим ва жуфти ҳалолимга сездирмайман. Оғир хаёлга толаман, кўр-ган-билганларим кўз ўнгимдан ўтга бошлайди. Болалик дамларига тўқнаш келаверман, кўнгличан, беғубор онлар кўнглимда орзқичи ҳиссини уйғотади.

ҲАЁТ ШУНДАЙ ЭКАН-ДА...

Инжу марварид донасидек ёш кўзимдан сизиб чиқаверади. Аммо ҳеч кимга билдирмайман. Ўзимга ҳам соғинчдан дея таскин берман, худабехуда оғринган кўнглимни юпатаман. Тун олис, манзил эса ундан-да олис... Яна чанг, тупроқ кўчалар буйлаб югураман. Тупроққа беланиб чопланларим, онамдан даққи эшитганларим қошига чорпайверади. Шу пайт кимдир: “Тополмадинг, кал, кал!” — дея қичқир

риб қолади. Беихтиёр “яшинмачоқ” ўйнаб, ютказган дамларим эсимга тушади... Ёнимдагилар нима гаплигини сезишмайди. Фақат, негадир менга ажабсиниб қараб қўйишади. “Демак, пичирлабман-да”, дейман ўзимга-ўзим. Хаёлпарастман-да ўзи!... “Чиқ-чик, чиқ-чик” деганича бир маромда одимлаётган соатга қарайман. Вақт алламаҳал бўлган. Ҳаммаёқ сув қўйгандек жим-жит.

Тураман, деразадан ташқарига мўралайман. Тим қоронгу. Кўп қавати унинг бешинчи қаватидан осмондаги юлдузларга қарайман, улар жимирлашиб манзил сари ҳаракатлангандек туйилади. Катта йўлдаги автомашиналар шовқин-сурони, узук-юлуқ хаёлларимни бирозгина бўлса-да тарқатгандек, бўлади.

“Соат нечи, бўлди”, сўрайди рафиқам уйқусираб. “Ҳали тонг отгани йўқ”, дейман унга қараб. Бир-бирининг пинжига кирганича ухлаётган болаларимга қарайман. Бири отамга ўхшаса, бири инимга, яна бири эса тоғасига ўхшайди. Қизиқ, бири, кутилмаганда, нимадир эсига тушгандек, хурсанд бўлгандек уйқусида жилмайиб қўяди. Ажабланаман... қандай туш кўраётган бўлса? Улар бахтли. Осмон тинч, юрт тинч! Яқинлари эса ёнида. Мен ҳам болалиқда бахтли ва беғубор эдим. Чунки отам ёнимда эди. Онам ҳам. Энди эса... Бирни қайтмас бўлиб кетган, бири эса мандан олиса — қишлоқда яшайди. Шу дам азиз ва меҳрибон кишиларимни кўмсай бошлайман.

“Ҳаёт шундай экан-да”, дейман ўзимга ўзим. Бир замонлар келиб, болаларим мен сингами мени кўмсармикан? Ўйлайману ўйларим тарқоқ. Хаёллар яна мени олиб қочади. Югургим келади — далага, тоғларга, довча териб еган

боғларга қараб... Аммо энди етаолармикиман... Соғинаман далапарни, тоғларни, довча териб еган ўша боғларни соғинаман. Шўх ва шад-долдигим ва эркаликларимни кўтариб, жилмайганча: “Болам-да”, деб эркалатган инсонларни соғинаман. Бироқ... Йўл олис...

Шу бемаҳалда уй телефони жиринглади. Секин трубкани қўлимга оламан. “Тинчликмикан ишқилиб?” Ортимдан мунгайганча қолган кекса онам соғмикан? Астағфирруллоҳ! Ҳайриятки, кўшним экан. Салом йўқ, алиқ ҳам (бу шаҳарликларга хос одат). “Наҳорги ошга бормаймизми”, дейди. Ҳа, дарвоқе, унутганимни айтиб, “бораман”, дейман.

“Бўлмаса тез чиқ, Кутаялмиз”. Ташқари қоронгу. Ҳайронман. Наҳорга ошни сахарлаб қилиш шартмикан. Кундузи қилса ҳам бўлади-ку. Мана, Қашқадарё ва Сурхондарё томонларда кун чошгоҳга етганда элға ош берилади. Вақти ҳам чегараланмаган. Вақтингизга қараб бороварасиз...

Дархондамиз. Тўйхона олдида тумонат одам. Ким, қайси киши тўй қилаётганини билолмайсан. Ҳаммасининг қўли кўксида. Илтифот-ла келганларни қарши оляпти. Бизни ҳам. Ичкарига кирдик. Ош келтиришди. “Ошни

Шу замон қағрини кўрсатди фалак, Унега қойим бўлди муқаррар жазо: Авеал подшо эди, ағдо бўлди ул, Авеал шоир эди, маддоҳ бўлди ул...

— Ёшларга энг муҳим маслаҳатларингиз...

— Ёшлиқдан оғ соғлиқнинг қадрига етинг. Соғу соғлом, ораста бўлиб юринг. Ахлоқингизни ҳаминиша позика тутинг. Оила муқаддас, бола-чақа ўстириш шарафли бурч. Фарзандларни ҳалол нон билан боқинг. Ҳаромдан ҳазар қилинг.

Устозлар маҳоратини ўрганишдан қарчаманг. Мумтоз адабиётимиз хазинасидан баҳраманд бўлинг.

Бошқаларнинг ютуғига тан бериш — марднинг иши. Гуруҳбозлик, айрмакчилик, майдакашлик қилманг.

Ҳақиқат — адабиётнинг суянчи, таъинчи. Ҳақиқатга суянмаган адабиёт қуруқ сафсата. Унутманг, ҳақиқатдан юз ўғирсангиз, адабиёт сизга қайрилиб боқмайди.

— Жамол ака, келинг жамият ишларига аралашингиз масаласига яна қайтасиз. Жамиятнинг ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар оз эмас. Шулардан қайси бири бугун муҳимдан муҳим бўлиб кўрилади сизга?

— Сув масаласи. 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошларида Орол денгизини тиклаймиз, қайта сувга тўлдирамиз, деган овозлар тез-тез янграб, қулоққа чалиниб турар эди. Йиллар ўтши билан бу овозлар тинди, эшитилмай қолди. Бугун Оролнинг сувдан бўшаган саҳнини бутазорга айлантiramиз, деган овозлар баланд янграмоқда. Бу ёмон эмас, албатта. Аммо менинг фикримча Оролни қайта тиклаш масаласини яна кун тартибига қўйиш керак. Бунинг имконияти бор. Таниқли ирригатор, профессор Дилшод Бозоров ва Халқаро Экология академияси аъзоси Анвармурзо Хусайнов бир замонлар Аҳмад Дониш чизиб берган лойиҳага суянмиб, Амударёни янаги ўзандан оқизиб, Катта Туркман канални орқали Қорақум барханларига ярим асрдан бери беҳуда сингиб кетаётган бебаҳо “оби ҳаёт”ни Оролга йўналтиришни таклиф этишди. Улар Катта Қорақум канални лойиҳаси амалга оширилиши билан Оролга ўлим ҳукми ўқилгани, саккиз юз километрга қўзилган, ости ва ён томонлари бетонлаштирилмаган каналнинг икки тарафи бугун ботқоққа айлангани, каналга тушган сувнинг атиги тўртдан бир қисми манзилга етиб бораётгани, бу исрофгарчиликка чек қўйиш лозимлигини айтиб, бонг уришди. Аммо афсуски, мутасадди ташкилотлардан садо чиқмаяпти. Ва энг ачинарлиси, бу ҳақда мурожаатлар назаримда Президентимизга етиб бормаяпти.

Номид — шайтон, дейдилар. Мен бу масала бугунми ё эртага ҳукумат даражасида кун тартибига қўйилади, деб ишонаман.


— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур. Ҳақиқат соғ-саломат бўлинг. Ижодий зафарлар ёр бўлсин!

Гўзал БЕГИМ суҳбатлашди.

ТАҚДИР СИНОВЛАРИ

"МАКТУБЛАРНИ ҚУТҚАРИБ ҚОЛИНГ!"

Афанасий
Афанасьевич
Шеншин
узок вақт
давомида
"Фет"
фамилияси
остида имзо
чекмади, бу
фамилиядан
умр бўйи нега
орланиб ўтди?



ЧЕТ ЭЛЛИК ТАЛАБА

Афанасий Неофитович Шеншин — орповлик бой, катта ер эгаси, бўлажак шоирнинг отаси Германияга ташрифта мафтун-гор Шарлотта Фет билан танишди. Улар ўртасидаги муҳаббатга Фет хонимнинг эри аёл эканлиги ҳам соя соломлади. Оқибатда, ҳомилдор Фет хонимни жаноб Шеншин Россияга олиб келади. Шарлоттанинг эри билан ажрашиши узоққа чўзилади. У Шеншин билан никоҳдан ўтган вақтда бола дунёга келиб бўлган эди, болани отасининг шарафига Афанасий деб аташди. Бироқ унинг ноқонуний туғилганлигини яшириш мақсадида қалбаки хужжат тайёрланиб, Шеншин фамилиясига ўтишга ўтди-ю, Афанасий 14 ёшга тўлганда ёлгоннинг миси чиқди. Қалбаки хужжат устидан иш қўзғатилиб, бола нафақат фамилиясидан, ҳатто Россия фуқаролиги, дворянлик унвони ва ота меросидан ҳам маҳрум этилди.

Шу кундан бошлаб у онасининг фамилиясига ўтди — Шеншиндан Афанасий Фет, яъни чет элликка айланган қолди. Бу бўлажак шоирга қаттиқ зарба бўлиб урилди. У бор кучи, ақлини ишга солиб, нима қилиб бўлса-да, отасининг фамилиясига ўтишга бел бошлади. Университетга "чет эллик талаба" сифатида қабул қилинди. Худди шу ерда шеър-иятга ошно тутинди, танқидшунос Аполлон Григорьевич билан қўйқандан танишди ва шеърларини чоп эттира бошлади. Ҳарф теру-чининг хатоси билан фамилия-сидани "е" ҳарфи "е"га айланиб, илк шеърлари "Фет" фамилияси остида нашр этилди.

Шу тарихда унинг фамилияси иккинчи бор ўзгарилиб, Фетга айланган. Тахсилни тугатиб, барча ҳуқуқ ва меросдан маҳрум этилган ёш шоир ҳарбий хизматга кетишга мажбур бўлди. Шоир кавале-рия офицери бўлиб хизматни бошлади. Армиядаги хизмат ва ҳаёт ёш йилгини қизиктирмас, у ҳамон шеър-ият ва муҳаббат шай-доси эди.

Бироқ муҳаббат уни узоқ кут-тириб қўйди — 28 ёшни қоралаб қўйган Фет хизмат қилаётган полк

Криловнинг унча катта бўлмаган мулкига яқин жойда жойлашган эди. Бу мулкнинг эгаси унчалик бой бўлмаган захирадаги офи-цер Лазич уйининг доимий меҳ-монлари — офицерлар эди... Ёш ҳарбийларни ҳўжайиннинг ур-дилбар қизи мафтун этиб қўйган эди-да — Камелия, Юлия ва Ма-рия! Фет бошида нозик қад-қо-матли Юлияга, сўнгра қирми-зиоз Камелияга лутф кўрсата бо-шлади. Аммо орадан кўп ўтмай, кенжа қиз — 22 ёшли ўта жиддий Марияга эътибор бера бошлади. Бу қизни замондошлари таъ-рифлашганда, қадди-қоматидаги бетакорликка, тим қора сочлари-нинг жозибасига алоҳида уруғ бе-ришарди. Фет у билан танишган илк кунларини шундай эслади: "Мени унинг шеър-иятини шунча-лик теран ва кенг билишгани, се-вимли шоирларимнинг деярли барчасидан хабардор эканлиги хайратга солди. Худди шу нарса бизни яқинлаштирди".

ТҮЙ ХАРАЖАТСИЗ БЎЛМАЙДИ

Машхур адиблар асарлари устидаги охири йўқ мунозара, суҳбат, тортишувлар, ора-сирада Фет ўз шеърларини қизгинлик би-

лан ўқишлари кавалерия офи-цери билан мулк эгаси қизини бир-бирига тобора боғлаб бо-рарди. Уларнинг бахтли муҳаб-бати раҳна соладиган кучининг ўзи йўқдек кўринарди. Севишган-лар тез-тез боғда айланшарди, боғ туридаги ўриндиқларда узоқ суҳ-батлар қуришар, Мария роялда куй чалса, Фет унинг ёнида тик ту-риб тингларди. Мария, унинг қар-индошлари Фет яқин қариндош-лари Фет яқин кунлар ичида се-вимли Машаниннинг қўлини сўрашга шубҳа қилмасдилар. Бироқ Фет шошилмади. "Қандай қилиб уйл-анаман? — деб ўйлади у! — Ахир, ҳеч нарсама йўқ-ку! — На пул, на мерос, ҳатто фамилия!" Мария ҳам сепли қиз эмас эди. Хуллас, ҳавас билан турмуш, ҳавас билан яшаш орзулари пучга чиқди.

"Мен аниқ бўлиб турибман: ойнага 300 рубль, уй-жойи йўқ офицернинг сепсиз қизга уйлани-мида ўзини айбдор деб билди. "Мен умр бўйи мени тушунди-ган аёлни кўтиб яшадим, кўтиб бўлдим ҳам. У ёнаётди қичқирди: "Барча муқаддас нарсалар ҳақи, хатларни кутқариб қолинг!" Шоир ўлими олдидан шундай эслади, шундай дейди: "Узим гуноҳкор-ман, ўзим айбдорман".

носабатларнинг келажаги йўқ-лиги, чунки доимий тежамкорлик ва муҳтожлик ҳар қандай, ҳатто энг кучли туйғулари ҳам ўлди-риб юбориши мумкинлигини айтганда қиз бунга ишонмайди ва муносабатларни узиб юбор-маслиқни ўтиниб сўрайди. Шунда Фет Мария билан ажрашиш учун полкдан ҳам кетиши лозимли-гини англаб етди. Мария бу ай-рилик билан келиша олмайди — Фетга тинимсиз оташин хатлар йўллади. Орадан икки йил ўтгач, орани очик қилиб олиш ниятида Фет Лазичлар кўрғонига келади. Лекин Мария билан учрашув ҳеч нарса бермайди — қиз аввалги-лар тез-тез боғда айланшарди зарурлигини ўтиниб сўрайди. Фет эса ўз фикридан қайтмайди.

Кўп ўтмай Афанасий Фетга дахшатли хабар етиб келади. Мария қўйлагига илашиб қол-лар гугурт чўпи оловдан куйиб кулга айланади. Учиб улгурма-ган гугурт чўпи лоп этиб Машага урилди. Қўрқиб кетган қиз ўзини айвонга урди. Шамолнинг зўрли-гидан олов гуриллагандан гурил-лада ва Маша ўзини пастга отди. Айтишларича, Марианинги ўлими тасодиф эмас, аксинча, у ўз жо-нига чинакамига қасд қилган. Бунинг сабабини Фетга бўлган бахтсиз севига йўйишди. Афа-насий ҳам севгилиснинг ўли-мида ўзини айбдор деб билди.

"Мен умр бўйи мени тушунди-ган аёлни кўтиб яшадим, кўтиб бўлдим ҳам. У ёнаётди қичқирди: "Барча муқаддас нарсалар ҳақи, хатларни кутқариб қолинг!" Шоир ўлими олдидан шундай эслади, шундай дейди: "Узим гуноҳкор-ман, ўзим айбдорман".

ЛИРИКА ВА ТАДБИРКОРЛИК

Фетни қайғули кунлар кутди, ҳаётдаги рангсиз ва қувончсиз кунлари бошланди. "Мен оруз қилган дунё остин-устин бў-либ кетди. Нима қилишни бую-радилар энди? Бир умр адыо-тант бўлиб ишлашқимми, бун-дан ҳам ёмони — бир-биримизга ёт, бир-биримизни тушунмайди-ган хонимни топишим ва у билан бирга яшашим!" Гап шундаки, 1856 йилда ҳукуматнинг янги қар-ори чиқди. Унга кўра, дворян-лик унвонини олиш учун офицер полковник даражасига кўтари-лиши лозимлиги талаб этиларди. Афанасий ўзида бундай имко-ният йўқлигини биларди. Шунинг учун мақсадида етишшининг энг сўнгги йўлини танлади — ба-давлат қизга уйланиш.

Фет 1857 йилда 37 ёшида йил-лик таътил ва шеърларидан йиғил-ган пулларини олиб, Парижга жў-нади. У ерда бой москвалик чой савдогарининг қизи Мария Пет-ровна Боткинани учратди. Мария унчалик гўзал ҳам, ёш ҳам эмас — 28 ёшда эди. Фет қизнинг қўлини сўради. Тўй олдидан бир-бири билан очик гаплашиб олишди. Бахтсиз ва олис муҳаббатларини эслашди. Фет бошидан ўтганла-рини бирма-бир сўзлаб берди. Мария ҳам ўтмиш муҳаббатининг кўнглисиз хотимларини яши-риб ўтирарди. Никоҳдан сўнг янги оила Москвага кўчиб ўтди.

Бироқ Фет пойтахтдан кў-чишга жазм этди. Москвадан унчалик узоқ бўлмаган жойдан кўрғон сотиб олди. У боши билан ҳужалик ишларига шўнгиб кетди. Айни пайтда, гўзал шеър-ларини чоп эттиришдан ҳам тўх-тамади. Қўшнилари шундай тад-биркор ҳужайин қандай қилиб шунчалик нозик туйғули лирик шеърлар ёзишдан хайратла-нишарди. Фет бойиб борарди — у яна икки кўрғон эгасига ай-ланди. Унинг машхур олмалари император ва буюк князлар дас-турхонига кўрк бағишларди. Мана шу олмазорлар даромади, 1873 йилда Фетга қонуний фа-милияси — Шеншин ва дворян-лик унвонини қайтариб берди. Бу ҳақда шоир хотинига шун-дай деб ёзган эди: "Менга Фет фамилияси қанчалик ёқимсиз ва таққирли эканлиги тасавву-рингга ҳам сифмайди. Минг шу-курлар бўлсинки, ҳаммаси ту-гади. Сендан ўтиниб сўрайман, менга қарши бўлиб қолшини ис-тамасанг, бу фамилияни менга ҳеч қачон ёзма, ишлатма".

Шоирнинг оилавий ҳаёти тинч ва бахтли кечди. Эҳтимол, улар орасида муҳаббат бўлма-гандир, аммо уларда ўзаро ҳур-нат, бир-бирини тушунишдек бахт мужассам эди. Мария Пет-ровна иштиёқ билан эрининг барча ҳўжалик ишларига кў-маклашарди. Улар биргаликда 35 йил умр кечирдишди. Мария Боткина 72 ёшида вафот этган эри — бетакор лирик шоирдан сўнг икки йил яшайди...

РУС ТИЛИДАН

Ойгул СУЮНДИКОВА
таржимаси.

ТАЛҚИН

Ҳазрат Алишер Навоий даҳосининга улуғлиги шундоқки, ул зоти шарифнинг беназир шеър-иятида одамлар учун ибратли ҳикмат бор, исталган жумбоққа ечим, энг мушкул саволага жавоб топиш мумкин.

Навоий асарини Дюма ўқиганми?



Оқшом чоғи неча ойлик изла-ниш нихоясига етиб, Александр Дюма қаламига мансуб "Ка-валер де Мезон Руж" романи-нинг таржимасини тугатдим. Лекин ХХ-бобнинг аввалидаги кўн-глини тўлдирмайдиган бир нукта ва иштибоҳ ўшандоғича қолди. Модомики, мутаржимнинг иши мукамал чиқмаган экан, китоб-хон ҳам қониқмайди-да...

Иттифоқо, эртаси куни На-манган давлат университети та-лабалари билан учрашув бўлди. Ҳазрат Навоийдан газаллар ўқиди, Ҳазрат газалларининг кўйга солинган кўшиқлари қўй-ланди. Аммо бўлғуси филолог-лардан сўралганида битта са-волга ижобий жавоб бўлмади:

— "Лайли ва Мажнун"ни ким тўпалавчи қўйган?

Биргина йигит, у ҳам дос-тонни эмас, 1976 йили чоп этил-ган насрий баънини ўқиган экан. Ўзим ҳам ёмон зил кетдим, не-гаки, асарни яқин орада кўлга олганим эсимда йўқ. Хай, уйга қайтиб, Ҳазратга юқиндим: "Лайли ва Мажнун" очилдим, ундан бош кўтариш мушкул, Навоий мисраларидаги соҳир (балки ғайб) охнараб охтиёрни олиб қўяди. Мана, XXV-боб бош-ланди:

Кун гарм бўлб ҳалок жонга,
Лайли киби ўт солув жаҳонга.
Ҳар елқи эсиб ҳароратомез,
Мажнун дамидек жароҳатангез.
Тинмай югуруб қўюл тағидин,
Кум узра аёғи кўймағидин,
Итлар тили ерга теғуруб бови,
Гурра асад ичра айлабон фови...

Камина хайратдан пол қо-либман, ҳолатимни ҳеч му-шоҳада этолмасдим. Ахир, кел-тирилган парчанин сўнгги икки сатри ойлари давомида топил-маган изохнинг ўзгинаси эди. Йўқ, Дюманинг ёзгани Навоий-

дан таржима дейилса ҳам му-болағамас. Чунки, ўша машхур француз адиби қўйига қалам олганда, "Хамса"нинг битилган-нига уч ярим аср бўлаёзганди.

Русча "Кавалер де Мезон Руж"нинг XX-бобида шундай эзилди: "Уже началось осу-щательство приближение ухасной собаки, что древние представ-ляли томиной неупокойной жа-ждой, которая, по верованияю парижских плебеев, гладко вы-лизывает мостовые". Узундан узоқ жумланинг таржимаси бит-ган эса-да, "Ужасная собака"нинг ўзбекчасини удаллаш мушкул келиб, саҳифа сўнидан шундай изох ўрин олганди:

Таржима: "Ҳалитданок ёвуз "ит кунлари"нинг жазирамаси яқинлашаётгани сезилиб, офтоб ёндира бошлаганди. Бу шундай маъсумки, кўҳна тасаввурга кўра, ҳамиша лотқан, ташналик ҳеч-ҳеч қонмайди экан парижлик ақли авоминг ақидасида эса ерда судралган тили билан арава ўйлининг тушма тош-ларини ярақлатиб ялаб ке-тувчи чанқоқ ит".

Изоҳ: "Ит кунлари" — бу маъсум шарқона тақвимдаги асада тўғри келади. Маъ-лумки, бу ой бошланган, итлар-нинг тили осилиб кетади ва ташналик ҳеч қонмайди. Али-шер Навоийнинг "Лайли ва Ма-жнун" достониде бу ҳақда шун-дай байт бор:

Итлар тили ерга теғуруб бови,
Гурра асад ичра айлабон фови.

Гурра (арабча) — ойнанг бош-лашини ёки бир кунлик ой маъносини аналатади ва би-рилган парчанин сўнгги икки сатри ойлари давомида топил-маган изохнинг ўзгинаси эди. Йўқ, Дюманинг ёзгани Навоий-

Амир Алишер сиймосидаги улуг санъаткор Олим Ҳўжаев ҳамон кўз олдимида ва сўзлари шуурумида жаранглаб турибди: — Асрлар оша ўз шеърларин билан "лаббай" дея жавоб берурмен! Аммо тарихан бу гапни Навоий эмас, барҳаёт асарининг муал-лифлари (Уйғун ва Иззат Султон) айтган эсалар-да, Ҳазратнинг газал-ида эса шундай бир мисра бор: *Навоий ҳам ётар то субҳи махшар тарки хоб айлаб.* Махшар тонига қадар уйқуни тарк айлаб, бедор ётган буюк Навоий, табиийки, абзотид қадар барҳаётдир. Эл-улус ва инчунин, қалам аҳли ҳам унча бобаракотнинг уйғоқ руҳидан баҳравор бўл-моқдамизки, файзлар офтобидан топилган биттагина учқунни юқо-рида айтдик.

Рустамжон УММАТОВ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

ЛУҚМА

"16+", "18+" белгилари (аслида таққ) нимани аналата-шини ҳамма билади. Қизиғи, ҳеч ким эътибор бермайди. Дей-лик, бадиий фильм бўлаяпти, "18+" белгиси телевизор экра-нининг бир бурчагидан чиқади. Аммо ёши 18 га етмаган фар-занд онасининг ёнида жимгина кинони кўраверади. Ота ҳам "сен бир пас ҳовлига (ёки балконга) чиқиб тур!" — демайди...



"16+" ёки "18+" га ёши етмаганлар кўчага чиқиб турсинми?

Юқоридаги гапларни ўқиб фикрингиз тўхтаб қолдингми? Ахир ўзбек ўз боласини кўчага ҳайдаб ўрганманган-да, тўғрими? Аслида Гарбининг яланғоч кинолари ўспир-ин-ёшларни қушқондан чиқараётгани-дан европаликларнинг ўзлари танқид қила бошлашга, киночиларнинг ўйлаб топ-ган антиқа иши бу. Яъни, экран титрининг бир бурчагига "18+" ёки "16+", деб ёзиб қўй-ишди. Бу дегани, шу белгига ёши етмаган-лар бу кинони ёки сериални кўриши мумкин эмас, дегани эмиш. Энди кинодан руҳлан-ган ўспирин кўчага чиқиб, нима аҳмоқлик қилса ҳам сценарийини ёзган, фильмин ишлаган, тасвирга олган айбдор бўлмайди, балки боласини назорат қилмаган ота-она (фарзанди кино кўраётганда уйда бўлган-ми-йўқми) айбдор бўлиб қолаверади. Мана, жазодан қутулишининг антиқа йўли. "Койил", дейсизми? Фикрим жамлан-ганда мен ҳам шундай дедим. Санъат асар-

лари ичида кино томошабин онгига тез етиб боради, осон ҳазм бўлади ва энг ёмони, то-моша қилгани ортидан бошлаб кетади. То-мошабини кино қаҳрамонларига ўхшагиси келиб қолади...

Кейинги пайтларда бизнинг айрим ки-ночиларимиз ҳам "18+" ёки "16+" белги-сини титрининг бир бурчагига ёзиб қўйи-шадиган бўлишди. Энди уларни ҳам ҳеч ким айбдор қилолмайди. "Ха", дейсизми, одам-нинг ўзида савия етишмаса, маънавий онги оқсоқ бўлса, начора, билганини қилавера-ди-да. Айнақисса, уларни назоратга оладиган ташкилот бўлмагандан кейин, ким ҳам му-шугини "пишт" дерди?!

Айнақисса, айнан яланғоч кино ёки сериал-лар айни кечки овқат пайти бериллади. Ўзбек таомни оила аъзолари билан бирга жам бў-либ тановул қилади. Шунда овқатда барака бўлади. Деярли ҳамма оилада овқат пайти ҳам телевизор кўриш одатга айланган. Се-

риаллардаги қаҳрамонларнинг уйда ярим-ёрти кийиниб юриши, эркаклар олдига сига-рет чекиши, спиртли ичимлик ичиши, ўзини "жунгли" дағидай тутишини кўрган оиладаги ўғил-қизлар ота-онасидан уялмай қўяди.

Бу бир дастурхон атрофида жам бўлиб таом тановул қилишдек, анъанавий миллий одатимизга лутур етказиб қолмай, турбияни ҳам издан чиқараётти. Бозор сийёсатида маъ-навиятчилар ҳам, то туртиб турилмаса, пинак бузишмаяпти. Бемалол кунлик унумни ҳисоб-лаб юрган бўлса керак-да, йўқ-са, шу пайт-гача оғиз қимирлаган бўлишарди.

Тўғри-да, маҳаллалар атрофида на спорт майдони, на кўнглинчар хиёбон бор. Бир қарич бўш жой топсақ уй қураппимиз, эр-тамин эгалари бўлган ёшларнинг тарбияси, одоб-ахлоқи ҳеч кимни қизиқтирмайпти. Хаёлимиз пулда. Шундай экан, бола бўш вақтини қандай ўтказайди? Албатта, телеви-зор кўриб. Айнақисса, бекорчи бўлса.

Ачинарлиси, ота-она ва фарзандлар ўрта-сидеги тарбияга оид мулоқотлар сериаллар сабаб кун сайин қисқариб бораёпти. Негаки, битта сериал тугамай иккинчиси бошланади. Миллий телевидениемиз маблағни бюджет-дан олгандан сўнг, сериалларни кетма-кет со-тиб олаверади-да. Уларнинг болалари катта бўлиб қолган. Болаларининг болалари эса бир амаллар, дейишса керак.

Сериаллар деярли барчаси оила маъ-зусида, маза-матрасиз, жанжал, фитна ва найрангбозликларга тўла. Биз халқи-мизга нимани кўрсатиб, нимани ўргат-моқчимиз? Бу масалани жиддий ўй-лаб кўриш керак. Вақтида олди олин-маса, "бой берилган авлод" ўзимизга юк бўлади. Ахир, ота-онаси билан бир четда томоша қилаётган болалар сери-алда кўрганларини ҳақиқий ҳаёт, деб қа-бул қилади.

Эсимда, болагимизда ёши катталар кўралган кинолар, асосан, болалар уйқуда ётадиган вақтдан кейин, яъни соат 22.00 да эфирга узатиларди. Ҳозир вақт чегараланма-ган, исталган пайти телевизорни ёксангиз бо-шингизни сериал ёки кинога уриб оласиз.

Афсуски, ҳозир тўппа-тўзуқ баъзи зиёли-лар ҳам вақтининг сериал — "кўча тили" даги телемаҳсулотларга кетказётганлигини ол-дий мулоқотларда: "Кеча фалон жойда пи-стон бўлибди. Кўрдингизми?" каби гап-сў-лари билан ошқор қилиб қўймоқдалар.

Хуллас, ўша савол: уйлари бир хонали ёки телевизор битта бўлган болалар "16+" ёки "18+" белгилли кинолар эфирга узатилганда қаерга чиқиб турсин?

Ахмадали ШЕРНАЗАРОВ,
журналист.

РАССОМ ХАНДАСИ

